



Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти

UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

2019, № 1

ДЖУРАЕВ Рисбой
Бош муҳаррир

Журнал 2001 йилдан нашр қилина бошлаган.

Ўз МААдан 2007 йил 3 январда
№ 0101-тартиб рақами билан қайта
рўйхатдан ўтган.

Журналда эълон қилинган
мақолалардан иқтибос олинганда
«Ўзлуксиз таълим» журналидан
олинганлиги кўрсатилиши
лозим.

Таҳрир ҳайъати:

Улуғбек ИНОЯТОВ
Ҳикматилла РАШИДОВ
Бахтиёр ДОНИЁРОВ
Собитхон ТУРҒУНОВ
Холбой ИБРАГИМОВ
Ислом ЗОКИРОВ
Роҳатой САҒАРОВА
Агрепина ШИН
Малоҳат АЎЗАМОВА
Шавкат ҚУРБОНОВ

Таҳририят манзили:

100027, Тошкент ш.,
Фуркат кўчаси,
174-уй.

ЎзПФИТИ

Тел.: 0371-245-92-34

e-mail: uzluksiztalim_jurnal@mail.ru
liya_2305@mail.ru

ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

- 3 **Р.Г.Сафарова**
Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи ҳамда талаба-ёшларнинг умумий маданиятини шакллантириш имкониятларини кенгайтириш
- 9 **Б.Мирпаязов**
Мусликий таълим ва тарбиявий ишларни узлуксиз ташкил этиш технологияси
- 13 **Д.Р.Бабаева, Г.О.Нажмиддинова**
Ҳамкорлик педагогикасида таълим муассасалари, ота-оналар, маҳалла масалалари
- 18 **И.Б.Хуршумуродова**
Узлуксиз таълимда педагогик диагностикадан фойдаланиш механизмлари
- 22 **Э.Ю.Давлетов**
Ўқувчиларда узлуксиз таянч ҳаётий компетенцияларни шакллантириш
- 27 **С.А.Кўчқоров**
Узлуксиз таълимни ташкил этишнинг замонавий шакли
- 32 **О.Худойберdiyev**
Uzluksiz ta'limda jismoniy madaniyatini uzluksiz rivojlantirish
- 36 **Л.Б.Махматгазиева**
Касбий таълим файлларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг аҳамиятли жиҳатлари
- 39 **Р.Х.Джураев**
Исследовательские умения школьников при выполнении лабораторных работ по физике
- 43 **Н.А.Пулатова**
Преемственность школьного и вузовского образования в современных условиях
- 48 **М.М.Умаров**
Преемственность содержания образовательных программ в системе непрерывного образования

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

- 53 **Х.Акрамова**
Узлуксиз таълим тизимида умумий меҳнат кўникмаларини шакллантириш учун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишни ташкил этиш
- 58 **Ф.А.Ширинова**
Массофавий таълим афзалликлари ва Ўзбекистон шароитида ундан фойдаланиш имкониятлари
- 62 **З.Р.Бакиева**
Анимация как средство решения педагогических задач

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

- 67 **Р.Махмудов, Ф.Икматуллаев**
Фарзанд тарбиясида мактаб ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги – комил инсонни шакллантириш асоси
- 72 **Д.Оринбоева**
Ижтимоий компетентлик ва ижтимоий компетенция
- 75 **З.А.Холматова**
Педагогик мулоқотда муомала маданияти
- 79 **М.Р.Алимжонов**
Узлуксиз таълим тизимида ўқув юртидан ташқариги ижтимоий муҳитнинг ёшларга педагогик таъсири
- 84 **С.А.Махмудова**
Ўқувчиларнинг мусликий идрокни ривожлантиришда педагогик технологияларнинг ўрни
- 89 **М.Усмонова**
Ўқувчи-ёшларни касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда таълим усуллари интеграциялашнинг дидактик модели
- 94 **М.Абдурахманова**
Самоеобразование как средство повышения эффективности профессиональной деятельности специалистов информационно-библиотечных учреждений
- 99 **Р.Абдухашуров**
Непрерывное развитие профессиональной культуры учителя трудового обучения
- 104 **С.А.Алимсаидова**
Интерпретационные (объясняющие) вопросы как средство развития критического мышления обучаемых

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

- 109 **Ш.Б.Рахимова**
Чет тил ўқитувчиси узлуксиз касбий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг интеграл-рефлексив асослари



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ ҲАМДА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ УМУМИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНияТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Р.Г.САФАРОВА,

ЎзПФТИ профессори, п.д.ф,
Халқаро Педагогик таълим Академияси академиги

Ушбу мақолада “оммавий маданият”нинг икки ёқлама характерга эгиллиги, унинг салбий ва ижобий томонлари батафсил очиб берилган. Таълим жараёнида “оммавий маданият”нинг мақбул имкониятлари, унинг турлари, ўқувчи ва талаба-ёшлар маънавий камолоти учун аҳамиятли жиҳатлари ҳақида фикр юритилган. Ўқув дастурлари ва дарсликларнинг ёшлар маданиятини шакллантириш воситаларини тақдим этиш шартлари кўрсатилган. Шу билан бир қаторда юксак маданият билан “оммавий маданият” орасидаги фарқли жиҳатлар таҳлил қилинган.

Таняч сўзлар: оммавий маданият, маданият, дидактик воситалар, ўқув материаллари, педагоглар, ўқувчилар, аждодлар, аждодларимиз мероси, педагогик жараён, дидактик шарт-шароитлар.

В данной статье описывается двухсторонний характер «массовой культуры», ее негативные и позитивные аспекты. Раскрыты существенные возможности «массовой культуры», ее виды, важные аспекты духовного роста в учебном процессе учащихся и студентов. Изучены условия предоставления средств формирования молодежной культуры в учебном плане и учебниках. В то же время были проанализированы различные аспекты высокой культуры и «массовой культуры».

Ключевые слова: массовая культура, культура, дидактические средства, учебные материалы, педагоги, учащиеся, предки, наследие предков, педагогический процесс, дидактические условия.

This article describes the bilateral nature of «mass culture», its negative and positive aspects. The essential opportunities of “mass culture”, its types, important aspects of spiritual growth in the educational process of pupils and students are revealed. Studied the conditions for the provision of the formation of youth culture in the curriculum and textbooks. At the same time, various aspects of high culture and “popular culture” were analyzed.

Keywords: mass culture, culture, didactic means, educational materials, teachers, students, ancestors, heritage of ancestors, pedagogical process, didactic conditions.



Шахс маданияти ўзаро алоқадорликдаги икки даражада намоён бўлади. Умумлашган онг даражасида кундалик, ўз-ўзидан вужудга келган маданият шаклланади. Бундай маданият кундалик турмуш, бўш вақт, оила ва дўстлар, синфдошлар орасидаги микромуҳитда таркиб топади. Мазкур маданиятнинг кўлами шахсий санитар-гигиеник маданиятдан тортиб, овқатланиш, кийиниш, китобхонлик, санъатни идрок этиш ва ўз-ўзини тарбиялаш маданиятигача бўлган жараёни қамраб олади. Оиладаги тарбиявий чора-тадбирлар ҳам ушбу жараёнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Илмий онг даражасида эса узлуксиз тарзда умумий ўрта, ўрта махсус ва олий касбий таълим ҳамда маданиятшунослик таълими доирасидаги юксак маданият серқирра педагогик воситалар ёрдамида шакллантирилади. Маданиятнинг ҳар иккала даражаси орасида узвий алоқадорлик мавжуд. Ушбу ўзаро алоқадорликка эга бўлган маданият даражаси китобхонлик, меҳнат, ижтимоий муносабатлар, узлуксиз таълим ва илмий изланишлар, санъат оламига кириш ва уни яратиш жараёнида мунтазам тарзда шаклланади.

Маданиятнинг ушбу даражалари орасидаги чегара шаффофлик ва ҳаракатчанлик характериға эға. Аксарият инсонлар ўз турмуш тарзини яратиш ёки ўз бурчларини бажаришда эстетика, психология, педагогика ва бошқа фанлар доирасида мужассамлашган инсоншунослик, инсонни англаш маданиятиға мувофиқ тарзда фаолият кўрсатадилар. Баъзи кишилар муайян даражадаги илмий онг ва маълумотға эға бўлмаган ҳолда мусиқа ва санъат асарларини баҳолашға ҳаракат қиладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун мактабда таҳсил олаётган ўқувчилар муайян даражадаги юксак маданиятни эғаллаганлари ҳолда уни ўз ҳаётий фаолиятлари, шахсий гигиенаси, оилавий ҳамда ижтимоий муносабатлари, дам олиш жараёnlари, мустақил билим олиш соҳаларига татбиқ этадилар.

Бугунги кунда педагогларда касбий маданиятнинг етарлича шаклланмаганлиги туфайли улар ўқувчиларни “оммавий маданият” таъсиридан сақлашда камчиликларға йўл қўймоқдалар. Энг кўп учрайдиган ва кенг тарқалган камчиликлардан бири ўқитувчилар томонидан телевизион кўрсатувларнинг бир ёқлама таҳлил қилинаётганлиги, китобхонлик маданиятиға етарлилча эътибор қаратилмаётганлиги ёки ўқувчиларни китобларни саралаб ўқишға ундаш кўникмасининг педагогларда ҳам, ота-оналарда ҳам етарлича шаклланмаганлигида намоён бўлмоқда.



Маданият деганда нафақат қараш, идрок этиш, билиш эмас, балки кўриш, ўйлаш, ижод қилиш ҳам тушунилади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга қараш, идрок этиш, билиш кўникмалари билан бир қаторда кўриш, ўйлаш, ижод қилишни ҳам ўргатиш лозим. Шундагина уларни “оммавий маданият” хуружларидан асраш имкониятлари кенгаяди.

Маданиятни ўзлаштириш бевосита узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган маърифий-таълимий фаолият мазмунига боғлиқ. Маданиятшуносликка асосланган фаолият оммавий ахборот воситаларидан тортиб, санъат муассасалари, кутубхоналар, музейлар, кинотеатрлар, маданият саройлари ва бошқа маданий дам олиш муассасаларидан иборат яхлит тизимни қамраб олади. Шу билан бир қаторда оила аъзолари ҳамда ҳар бир шахснинг маданиятни яратувчи қувватларини ҳам таълим жараёни билан уйғунлаштириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш ва узлуксиз ривожлантириш имкониятлари кенгайтирилади. Мазкур жараёнда етакчи аҳамиятга эга бўлган ҳолатлардан бири инсоннинг ўз шахсий хатти-ҳаракатларини миллий-маданий қадриятларга мувофиқлаштириш, тенглаштириш масъулиятига эга бўлишидир. Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи ўзи эгаллаган билимлар ёрдамида ўз-ўзини тарбиялаши, маданий даражасининг ўсиши, жамият ҳаётига дахлдорлигини ҳис этиши ва ўз фаолиятини мунтазам такомиллаштириши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қадриятларни эгаллашга йўналтирилган узлуксиз таълим тизими таълим олувчилар кайфиятида учрайдиган турли босимларни бартараф этишга хизмат қилади. Бунда дидактик материаллар сифатида аجدодларимиз меросидан фойдаланиш алоҳида самарадорликка эга. Ушбу тизимда ўқувчиларнинг жамият ҳаётига ўзаро мослашишлари, миллий, этник ҳамда диний бағрикенглик кўникмаларини эгаллашлари таъминланади. Турлича маданиятга эга бўлган шахсларнинг ўзаро биргаликда ҳаёт кечиришлари ва уйғунлашишлари амалга ошади.

Инсонлар орасидаги кундалик турмуш кечириш маданиятининг турли-туманлигига қарамасдан шахслараро муносабатлар, бўш вақтни ташкил этиш, мулоқот ва кийиниш маданияти кабилар жамиятда қабул қилинган маданий-эстетик мезонларга мос келиши лозим.

Ҳақиқий маданият иккита муҳим таркибий қисмга эга бўлади. Улар:

1. Умумлашган маданият – маданиятнинг ушбу турини одамлар жамиятда яшаш, биргаликда фаолият кўрсатиш жараёнида эгаллайдилар.

2. Ихтисослашган маданият – маданиятнинг ушбу турини инсон-



лар узлуксиз таълим жараёнида эгаллайдилар.

“Оммавий маданият” эса худди мана шу икки турдаги маданият орасидаги оралиқ маданият ҳисобланади. У ўзида маданиятга оид фикрларни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчирувчи жараёнларни мужассамлаштиради. “Оммавий маданият” ҳодисаси бугунги кунга келиб, жамият, таълим тизими, оилалар билан чамбарчас боғланиб, у ўзида ижтимоий-фалсафий, педагогик-психологик ҳодисаларни мужассамлаштиради. Шу билан бир қаторда “оммавий маданият” ёшлар психологиясига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Маълумки, кўп тарқалган, кенг оммалашган маданият ўзининг жозибadorлигини, аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам ўқувчи ҳамда талаба-ёшлар ҳақиқий санъат асарлари, рекламалар, адабиёт намуналарига эмас, балки оммавий характерга эга бўлган паст савияли асарлар, олдиқочди рекламалар, шоу-бизнес намуналарига кўпроқ интилади. Шунинг учун ҳам “оммавий маданият” юксак даражадаги маданиятга нисбатан кенг тарқалиб, ёшлар диди ва савиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ бу “оммавий маданият”нинг конструктив жиҳатларини менсимасликка асос бўлмаслиги керак. “Оммавий маданият” ёшларни дастлабки ижтимоийлаштириш ва улар хулқ-атворига муайян маданий меъёрларни сингдириш функциясини бажаради. Жумладан, халқ санъати, карнаваллар, ярамаркалар, кўғирчоқ театрлари, масхарабозларнинг чиқишлари ҳам “оммавий маданият” кўринишлари бўлиб, ёшлар дид, савияси, дунёқарашини шакллантириш, уларнинг кайфиятини кўтариш, руҳиятини сокинлаштиришда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон жамиятида миллий-маданий қадриятларни эгаллашга бўлган эҳтиёж ва рағбат кучаймоқда. Жамият аъзолари умуминсоний қадриятларга янада кўпроқ мурожаат қилишга эҳтиёж сезмоқдалар. “Оммавий маданият” эса ижтимоий тажриба, қадриятли йўналишлар, онг ва хулқ-атвор намуналари ва кўринишларини бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиришга хизмат қилмоқда. Шу орқали жамиятнинг маънавий ҳаётига фаол таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунга келиб, “оммавий маданият”нинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ёшлар ва педагогларга етказиш зарурияти кучаймоқда. Унинг турли кўринишлари, турлари ҳақида маълумотлар бериш орқали “оммавий маданият”нинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрнини баҳолаш ниҳоятда зарур ҳисобланади. Дастлаб “оммавий маданият”нинг пайдо бўлиши ва йўналишлари устида тўхталиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан:



– Умумий ўрта таълим мактаблари болалар субмаданиятининг кенг тарқаладиган маконларидан бири ҳисобланади. Ўқувчилар асосий илмий билимлар билан мулоқотга киришиш натижасида атроф-олам ҳақида фалсафий, диний тасаввурга эга бўладилар. Ўзбек халқининг тарихий, ижтимоий-маданий тажрибалари шуни кўрсатадики, жамиятда қабул қилинган қадриятли муносабатлар, йўналишлар ўзининг ижтимоий-маданий моҳиятига эга. Шунинг учун ҳам бундай тарихий, ижтимоий-маданий тажрибалар билимлар мажмуини қамраб олган стандартларда ўз ифодасини топиши ҳамда ўқув дастурлари ва дарсликларида тақдим этиладиган ўқув материаллари орқали умумлашган шаклда ўқувчи ва талабалар онгига етказилиши керак.

– Миллий ташвиқот ва тарғибот тизими ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни фидоийлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бузғунчи ғояларга қарши тура олиш кўникмаларини шакллантирувчи ва назорат қилувчи усуллар ва методларни кенг қўллаш, уларнинг онгини банд қилишга хизмат қиладиган воситаларни ҳар томонлама таҳлил этиш педагогларнинг муҳим вазифалари сирасига киради.

Ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда оммавий онгнинг шаклланишида қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

а) алоҳида ўқувчилар ва ўқувчилар жамоасининг фойдаланишига мўлжалланган, уларнинг эҳтиёжини қондирадиган хизматлар, ғоялар, адабий манбалар ва тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

б) ўқувчиларнинг онгида ижтимоий ҳаётнинг ёрқин тимсоллари ва услубларини шакллантириш;

в) ўқувчилар кўз ўнгига оммавий, қулай, миллий менталитетга хос бўлган моделларни гавдалантириш;

г) ўқувчиларни энг сара истеъмол воситалари билан яқиндан таништириш; бундай воситалар сирасига мусиқий асарлар, бадиий асарлар, китоблар, кинофильмлар, аудио-, видео воситалар, кийим-кечаклар, тасвирий санъат намуналари, тақинчоқлар кабиларни киритиш мумкин.

д) турли турдаги ўйин мажмуалари билан ўқувчиларни яқиндан таништириш; жумладан, ўйинчоқ автоматлар, электрон қурилмалар, компьютер ўйинлари ҳамда виртуал воқелиklar тизими кабилар.

е) ўқувчиларнинг муайян турдаги психомотор таъсирларга қайтарадиган жавобларини дидактик материаллар ёрдамида мувофиқлаштириш;



ё) ўқувчиларнинг ахборот танқислиги ва ахборотларни саралаб қабул қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;

ж) ўқитувчиларда ўқувчиларни умумий ривожлантириш ва ҳордиқ чиқаришлари учун зарур бўлган маданий воситаларни саралаб қўллаш компетенцияларини ҳосил қилиш;

з) ўқувчи ҳамда талаба-ёшларнинг “оммавий маданият” ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини бойитиш мақсадида зарур маълумотлар банки, яъни луғатлар, энциклопедиялар, ахборотномалар, каталоглар, электрон воситаларни яратиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш;

и) Интернет орқали ўқувчиларга тарихий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар, билимлар етказилишига эътибор қаратиш кабилар.

“Оммавий маданият”нинг тарқалиш механизмлари аксарият ҳолларда инсонларнинг бўш, дам олиш вақтида фаолият кўрсатади. Бу эса инсонларнинг ўз куч-қувватларини тиклаб олишлари ва маънавий ривожланишларига муайян даражада хизмат қилади. Айнан худди мана шу норасмий, муайян тартибга солинмаган фаолият инсонни тўлақонли тарзда касбий юкламалардан озодлик ҳиссини туйиши, ўқув режалари ва дастурларида кўзда тутилган юкламаларни бажаришдан, ижтимоий ҳамда оилавий турмуш мажбуриятларидан маълум муддат холи бўлиши, ўзини эркин ҳис қилиши, дам олиши, ижтимоий-психологик вазиятларга тушиши, максимал даражада ўзининг ижодий қувватларини намоён қилишига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аждодлар ўғити. Ҳикоятлар, ҳикматлар, тамсиллар (тўпловчи ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов). – Т.: Чўлпон, 1990. – 240 б.

2. Виноградова Л.В. Сущностные признаки массового сознания / Л.В. Виноградова // Известия РГПУ им. А.И. Герцена, 2008. - №73-1.

3. Корзун Н. Рок, игры, мода и реклама. - М., 1989. С. 37.

4. Қуронов М. Маънавий тақдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий-мафкуравий асослари./ “Маънавий тақдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий-мафкуравий асослари” мавзусидаги республика илмий-услубий конференцияси материаллари. – Т.: “Муҳаррир”, 2010. 10-13 б.



МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯИЙ ИШЛАРНИ УЗЛУКСИЗ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Б.МИРПАЯЗОВ,
ЎзДК ўқитувчиси

Мақолада мусиқанинг миллий ахлоқ меъёрлари орқали унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини англаш воситасида ўқувчиларга миллий руҳият туйғусини сингдиришга йўналтирилган таълимий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, миллий руҳият, маънавий-ахлоқий, тарбиявий жараён, тарбиявий тadbирлар, умуминсоний қадриятлар, технология, меъёр, фаолият.

Статья посвящена организации воспитательно-воспитательной работы, направленной на привитие чувства национальной духовности через понимание музыки в контексте национальной морали через понимание ее места в общественной жизни.

Ключевые слова: образование, воспитание, национальный дух, духовно-нравственный процесс, образовательный процесс, образовательная деятельность, общечеловеческие ценности, технология, нормы, деятельность.

The article is devoted to the organization of educational work aimed at instilling a sense of national spirituality through understanding music in the context of national morality through understanding its place in public life.

Keywords: education, upbringing, national spirit, spiritual and moral process, educational process, educational activity, universal values, technology, norms, activity.

Маълумки, тарбия жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, узоқ муддатли, мураккаб ва узлуксизликни талаб этади. Зеро ўқувчи ҳали тўлақонли шаклланмагани туфайли, тарбиячи фаолияти асосий ўринни эгаллайди. Шунга кўра тарбия технологияси таълим технологиясидан фарқ қилади.

Тарбия технологияси ва унинг таркибий қисмларини Ў.Қ.Толипов ва М.Усмонбоевалар қуйидагича белгилайдилар:

- 1) тарбия жараёнининг умумий лойиҳаси;
- 2) тарбияни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж (рағбат);
- 3) тарбия мақсади;
- 4) тарбия мазмуни (шакл, метод, усул ва техник воситалар);
- 5) ўқитувчи (тарбиячи) фаолияти;



6) ўқувчи (тарбияланувчи) фаолияти;

7) тарбия самараси (натижа).

Демак, тарбия жараёнини технологиялаштириш аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланган ҳамда ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилишидир.

Тарбия жараёнини технологиялаштириш таълим жараёнидан фарқ қилиб, унинг натижасини қисқа муддатда кўриб бўлмайди. Шунга кўра тарбия жараёнини технологиялаштиришга янгича ёндашувни талаб этади.

Ўқувчиларда миллий руҳни тарбиялашда Шарқ мутафаккирлари, ҳамда халқ педагогикасининг муסיқага доир тажрибаларига таянилади. Бу борада миллий руҳни тарбиялашнинг мақсади, вазифалари, миллий онг ва хулқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнида амалга оширилади.

Умуман олганда, шахс тарбияси, шу жумладан руҳий тарбия ҳам фақат хусусий иш бўлмай, балки ижтимоий миллий ишдир. Чунки, ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, халқининг тараққиёти авлодлар тарбиясига боғлиқ.

Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчилар фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Шунга кўра ўқитувчилар болалар фаолиятини ташкил этиш билан чекланмай, уларнинг бу фаолиятга доир воқеа-ҳодисаларни, турли кечинмаларни қандай англаши, баҳолаши, ҳис этиши, улардан ўзи учун нималарни олаётганлигини билиши муҳим.

Тарбиявий ишлар жараёнида фақат ўқувчининг онгигагина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятининг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларини ҳам ҳосил қилиш зарур. Мазкур жараёнда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларнинг мақсадга мувофиқ тарбияланиши учун ўқувчи онги, ҳис-туйғулари ва иродасига таъсир этиб боради. У ўқувчиларнинг фаолиятини ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратди.

Тарбиявий ишларда фаол иштирок этиш орқали ўқувчиларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ортиб боради. Фаолият ўқувчиларнинг мақсадга мувофиқ манфаати ва истаги асосида уюштирилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Агар ўқувчи ўз хулқи, хатти-ҳаракати учун жавобгарликни ҳис этишига эришилса, у тарбиявий ишларнинг фаол иш-



тирокчисига айланади.

Миллий руҳиятни тарбиялашни самарали йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучи тарбия жараёнининг манбаини яхши билиш зарур.

Фаолият жараёнида ҳосил бўлган малака ва одатлар миллий руҳиятни тарбиялаш мезонларига риоя қилишни енгилаштиради.

Демак, тарбиячи бола шахсининг интенсив ривожланидиган даври-ўқувчилик йилларида унинг онгига турли фаолият – ўқиш, меҳнат, ижтимоий ишлар, ўйин, спорт, бадий ҳаваскорлик, жумладан муסיқанинг ёрдами билан махсус таъсир этиш муҳимдир.

Маълумки, тарбия яхлит жараёнда амалга оширилиб, унинг таркибий қисмлари айна бир вақтда, фаолиятнинг бирор тури асосида намоён бўлади. Шундай экан, белгиланган мақсад ва вазифалар тасодифий эмас, балки олдиндан белгиланган ва пухта ўйланган режалар асосида ҳал этилади. Шу жумладан, миллий руҳни тарбиялаш жараёнида унинг мақсади, шакл ва методлари тарбияланганлик даражаси муҳим ўринга эга. Тарбиявий ишлар мазмуни ижтимоий тузум буюртмаси асосида белгиланиб, унинг амалга ошиши учун маълум шарт-шароитлар талаб этилади.

Ўқувчиларни ҳар томонлама етук шахс этиб тарбиялашда унга изчил равишда миллий руҳни сингдириш, уларнинг онги, хулқ-атвори ва фаолиятининг бирлиги, шунингдек тарбия жараёнини ташкил этишнинг якка, гуруҳли ва оммавий шакллари қўшиб олиб борилишини таъминлайдиган педагогик тизимни вужудга келтириш ва бу тизим ғояларига амал қилишни талаб этади. Миллий руҳиятни тарбиялашда ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда тарбиявий ишлар мазмуни қуйидагича ҳал этишни такозо этади:

1. Муסיқа воситасида миллий руҳни тарбиялаш мақсадининг аниқлиги.

2. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг, таълим муассасаси билан бошқа му-тасадди ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолияти.

3. Муסיқанинг ўқувчи – шахсининг ўз-ўзини англашга йўналтиришда муҳим омил эканлигини англаши.

4. Тарбиянинг шахсга йўналтирилганлиги, яъни ўқувчи шахсининг хусусиятлари, қизиқишлари, ўзига хос характери, қадр-қимматини англаш туйғуларининг шакллантириб борилиши.



5. Тарбиявий ишларининг эркин, ихтиёрий ташкил этилиши.

6. Тарбиявий ишларнинг жамоавий йўналиш касб этиши асосида миллий руҳни тарбиялашнинг самарали амалга ошиши.

Маълумки, тарбиявий ишларни ташкил этишда миллий руҳни тарбиялашга доир тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Бундай тадбирларнинг шакллари хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳеч бири мусиқасиз ўтмайди, шунингдек, тарбия шакллари ҳам ҳар бир ҳодисанинг мазмуни, моҳияти, аҳамиятига қараб тадбир шаклларини танлаш муҳим. Бу борада таълим муассасаси шарт-шароити, имкониятлари, мусиқий-техник воситаларнинг мавжудлиги ва созлиги, ўқувчилар ҳаваскорлик тўғрагининг ҳолати тарбиявий тадбир шаклини танлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бундай тадбирларнинг шакллариға фольклор ансамбллари, турли мавзуларда ўтказиладиган кечалар, турли танловлар, бадий композициялар, дискотекалар, театрлаштирилган концертлар, оммавий байрамлар, ўзбек халқининг анъанавий байрамлари (гул байрамлари, қум сайли, сумбула сайли, лола сайли, қовун сайли, ҳосил байрами в.б.) ва ниҳоят, энг улуғ ва азиз байрамлар «Мустақиллик куни» ва «Наврўз» байрамлари мусиқасиз куй-қўшиқларсиз ўтмайди ва миллий руҳни тарбиялашда энг самарали натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Тарбиянинг ҳар бир йўналиши якка-якка ҳолда эмас, бир бутун яхлит ҳолда, аниқ мақсадга йўналтирилган, узлуксиз ва узвий давом этган дагина ижобий натижа беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Т.: Университет, 1998. – 184 б.

2. Қодиров Р. Мусиқа педагогикаси. - Т.: Ўқитувчи. 2011. – 167 б.

3. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари (маданият институти талабалари учун қўлланма). - Т.: Ўқитувчи, 1991. – 192 б.

4. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996. – 174 б.

5. Таълим жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш. Ўқув-услубий қўлланма / Холиқов Э. ва бошқ. – Т.: ТДАИ, 1999. – 98 б.

6. Таълим технологияси / Адизов ва бошқалар. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 54 б.



ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ОТА-ОНАЛАР, МАҲАЛЛА МАСАЛАЛАРИ

Д. Р. БАБАЕВА,
ТДПУп.Ф.н., профессор
Г. О. НАЖМИДДИНОВА,
ўқитувчи

Мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигида болаларга замонавий тизим асосида билиб бериш, халқимизнинг бой маданий- тарихий мероси ва умумбашарий қадратлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш мазмуни ёритилган.

Таянч нушунчалар: Оила, маҳалла, ҳамкорлик, мустаҳкам, долзарб, муаммо, эстетик, жисмоний, ривожлантириш, сиёсат, мактаб, жамоатчилик, давлат, нодавлат ташкилот, ёшлар, ижтимоий, ҳаракат, жамғарма, дўст, сирдош, фидокор.

В данной статье обозначено содержание сотрудничества дошкольных образовательных учреждений, школ и родителей, которые должны обучать детей на основе современной образовательной системы, морального и нравственного воспитания на основе богатого культурного и исторического наследия нашего народа и общечеловеческих ценностей.

Ключевые слова: Семья, махалля (окрестности, соседство), сотрудничество, прочный, актуальная, проблема, эстетическое, физическое, развитие, политика, школа, сообщество, государство, неправительственные организации, молодежь, социальные, движение, фонд, друг, преданность.

This article identifies the content of cooperation of preschool educational institutions, schools and parents, which should educate children on the basis of a modern educational system, moral and moral education based on the rich cultural and historical heritage of our people and human values.

Key words: Family, mahalla (neighborhood, neighborhood), cooperation, lasting, actual, problem, aesthetic, physical, development, politics, school, community, state, non-governmental organizations, youth, social, movement, foundation, friend, dedication

Бугунги кунда маънавий етук, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, оила ва маҳалла ўрта-сидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки, баркамол авлодни тарбиялашда болани ўқитиш, ҳар тамонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш давлат сиёса-



ти даражасига кўтарилган. Албатта, бу ишларни амалга оширишда педагогик ҳамкорлик жараёни муҳим ўрин тутadi. Ҳамкорлик – жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, унда мактаб, оила, маҳалла, жамоатчилик, давлат ва нодавлат ташкилотлари, “Ёшлар иттифоқи” ижтимоий ҳаракати, жамғармалар фаол иштирок этади. Чунки, ҳамкорлик жараёни – жамият тараққиётининг асосчилари бўлган ёшлар камолотининг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 9- сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш туғрисида”ги қарори 30-сентябрдаги “Мактабгача таълим тизим бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўрисида”ги фармони “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигини фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Уларда мактабгача таълим тизимини комплекс ривожлантириш, болаларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг барча жиҳатлари белгилаб берилди[1].

Қабул қилинган фармон, қарор давлат талабларини тўлақонли амалга оширишда мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолиятдан фойдаланган ҳолда болаларни ривожлантириш тарбиялаш энг самарали усул ҳисобланади. Албатта бу ишларни амалга оширишда ўқитувчининг ҳар бир дақиқаси қимматли ҳисобланади. Чунки, ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ўқувчининг диққатини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини уларга тушунтиради. Бунда ўқитувчи гаплашиб ўтирган ўқувчиларни тартибга чақириши, тўхтатиши каби салбий ҳолатларни бартараф этиш билан уларга янги мавзунини, янги материалларни тушунтиради. Болалар орасидан янги мавзу бўйича кимлар жавоб беришини аниқлайди. Албатта бунда боланинг оила ва маҳаллада олган тарбияси муҳим ўрин тутadi. Бундай ҳолатларда педагогнинг яккама – якка суҳбати пухта, асосли ва мантиқан бой бўлса, болаларнинг унга бўлган ишончи ошади. Педагогнинг эркин дил сўзлари, маслаҳати, ўзаро ёрдами туфайли ҳамкорлик ҳолати вужудга келади. Ушбу ҳамкорликда педагог доимо уларга намуна бўлиши керак. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларида ҳам бир қанча ўзгаришлар мавжуд бўлиб улар болаларни мактабга ўқишга тайёрлаш, болаларнинг соғлом ва ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлаш ҳамда унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш, болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун интеграл таълимни ташкил этиш, шахсга йўналтирилган таълим-тарбияни амалга ошириш, болаларнинг халқимизнинг бой маданий- тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маъ-



навий - ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни мактабда ўқишга тайёрлашда уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда ота-оналарга амлий жиҳатдан қўмаклашиш, болаларда ижтимоий-коммуникатив, ахлоқий, эстетик, интеллектуал, жисмоний сифат ва салоҳиятларини уйғотиш ҳамда ривожлантириш, болаларни соғлом турмуш тарзи билан таништириш, болаларда мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик ҳислатларини шакллантириш, болаларга дунё ҳақида тушунчалар бериш ва тасаввурларини кенгайтириш, болаларнинг ёши индивидуал, психологик ва жисмоний ҳусусиятлари ҳамда қобилиятини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишдан иборат[2].

Тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлаш учун мактаб, мактабгача таълим муассасаси оила ва маҳалла ҳамкорлигида қуйдагиларни амалга ошириш зарур:

- тарбия жараёнини бошқаришга мактабгача таълим муассасаси, мактаб билан жамоатчилик муносабатларини ривожлантириш;
- тарбиявий ишлар бўйича самарали назоратни ташкил этиш.

Тарбия жараёнини бошқаришда ўқувчилар, ота-оналар, жамоат ташкилотлари билан ўқитувчи мулоқотининг ошқоралик тарзда амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. Чунки, ўқитувчининг ҳар бир ҳаракати ёки гапирган гаплари жамоатчилик томонидан баҳоланади. Ўқувчилар доимо ўқитувчиларнинг тўғрилиги, адолатпарварлиги, синфда унинг яхши кўрган ўқувчиси бор – йўқлигига эътибор берадилар. Бу ўринда ошқора мулоқот қабул қилинган меёр ва талаблар асосида амалга ошиши, ўқитувчи ўзини у ёки бу вазиятларда, ҳолатларда қандай тутиши лозимлигини ҳамма билиши ошқороликни ташкил этади. Бугунги кунда умумтаълим мактабларидаги педагогик фаолиятнинг оила, маҳалла билан ҳамкорликда олиб борилаётганлиги кутилган самараларни бермоқда. Шундай бўлсада, бу борадаги ишларни янада жонлантириш, таълим муассасаларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш устувор вазифалардан саналади. Чунки тарбия, аввало, оиладан бошланади, маҳаллада, яъни жамиятда камолот босқичига кўтарилади.

Педагог ўзининг ташқи кўриниши, тоза – озода, ихчам кийиниши, маълумоти, чуқур билим эгаси, ўзининг фанини пухта биладиган, юрт равнақи учун жонини фидо қилишга тайёр, ўз шоғирдларидан билими, малакасини аямайдиган, дўст, сирдош, фидокор бўлиши лозим. Шунини алоҳида



таъкидлаш жоизки, ўқитувчи ота – она ва ўқувчилар билан яккама – якка фаолиятни йўлга қўйиш учун уларнинг шахси, оилавий аҳволини билиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларни тўлиқ ўрганиши, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида тарбиявий тадбирларни мукамал, таъсирчан уюштириши лозим. Педагогларда шаклланиб келаётган ижобий фазилатларни тавсифлаш, уларни билим олишга қизиқтириш, ростгўй, маърифатли, меҳрли, ўз-ўзини бошқариш, меҳнатга муносабатини, руҳий ҳолати ва қобилиятларини ривожлантириш, ижобий ва салбий ўзгаришларни кузатиш ва сабабини ўрганиш, ёлғон гапириш ва бошқа салбий сифатларни аниқлаш педагогнинг маҳорати, ташкилотчилик фаолияти ва касб кўникмасига боғлиқ.

Таълим муассасаларининг оила ва маҳаллалар билан ҳамкорлигини янада юксалтириш бугунги куннинг талаби бўлиб қолмоқда. Айрим таълим муассасаларида баъзи тарбиячилар томонидан ўқувчининг таржимаи ҳоли, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ҳолати, оилавий аҳволи, ундаги маънавий-маърифий муҳит юзаки ўрганилади. Бундай ишларга вақтни қизғаниш ёки бепарволик билан қараш ҳолатлари кузатилади. Натижада оила-маҳалла-таълим муассасаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик узилади. Ҳамкорликнинг узилиши нимага олиб келади? Ўқувчининг кундалик фаолияти ҳақида ота-она, маҳалла фаоллари ва муассасаси керакли маълумотга эга бўлмайди. Эътибор ва назоратдан четда қолган ўқувчи ўзбошимчалик билан ногўғри йўлга киради. Бунинг сабаби эса ҳар жойдан қидирилади.[3] Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ота-оналар фарзанди таҳсил олаётган таълим муассасалардаги ўқувчиларнинг таълими фаолияти, унинг мақсад-вазифалари, педагогик таркиб ҳамда таҳсил олувчилар жамоасига оид умумий маълумотларга эга бўлиши, фарзандининг ўзлаштириши, дарслардаги иштироки, бирга таҳсил олувчиларга муносабати, ўқитувчи ва тарбиячилар ҳақидаги фикрларидан хабардор бўлиши, фаолиятини тўлиқ назорат остига олиш, ҳафтада бир маротаба тарбиячининг фарзанди ҳақидаги фикрларини эшитиши ва унга муносабат билдириши зарур. Бунда албатта оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Болани ҳар томонлама ривожлاندирган, баркамол шахс қилиб тарбиялаш учун ота-онадан юксак масъулият, маҳалладан эътибор, ўқитувчидан ҳақиқий педагогик одоб ва маҳорат талаб қилинади. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқийёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари илк ҳаётий тушунчаси ва тасаввурла-



ри биринчи галда оила бағрида шаклланади. Баркамол авлодни тарбиялашда “Оила, маҳалла, мактаб, ҳамкорлиги” концепсияси, “XXI аср маҳалласи” концепцияси, “Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли” мавзусидаги тадбирларининг ташкил этилиши Ўзбекистон тараққиётига муҳим ҳисса қўшмоқда. Ҳар бир ўқитувчи ўзи бошқараётган синф ота-оналари билан ҳамкорликда иш олиб бориб қонун ва миллий дастур моҳиятини ота-оналарга таништириб, улар билан ҳамкорликда иш олиб боришлари керак. Таълим олдига янги мақсадларнинг қўйилиши, ижтимоий буюртма қўламининг кенгайиши, таълим жараёнида ўқитувчи, ота-она ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келишига асос бўлди. Чунки ўқувчи таълим жараёнининг фаол субъектига айланди. Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражаларига қўйиладиган “баҳо” ўқитувчи, ота-она ва ўқувчи ўртасидаги барча педагогик муносабатларни тартибга солиб турувчи мезон ҳисобланади. Баҳо, “ўқитувчи-ота-она”, “ўқувчи-ота-она”, “ўқитувчи-ўқувчи” контекстида таҳлил қилинади, ўқувчи таълим жараёнида олган баҳоси орқали мактабни оила билан, ота-онани ўқитувчи билан боғлайди. Натижада ота-она узлуксиз таълимнинг бевосита иштирокчисига айланади. Баҳо орқали ота-оналар фарзандларининг интеллектуал ривожланиши, ўқув фаолияти, хулқи, маънавий дунёқарашидан хабардор бўлиб турадилар. Хулоса қилиб айтганда, оиланинг маҳалла, мактаб, мактабгача таълим муассасаси, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг тўғри йўлга қўйилиши жамиятимизда кўп йиллардан буён кўзда тутилган ва унга шарт-шароит яратиб берилаётган жамият тараққиётини белгиловчи оилаларни шакллантиришга асос солади. Таълим жараёнида ҳамкорлик педагогикасига таяниш—бу аввало, ўқувчида жамоавийлик, ўз ўртоқларининг ақлий ва ахлоқий фазилатлари билан фахрланиш, жамоа таркибида ўзининг муносиб ўрнига эгаллиги билан ғурурланиш туйғусини тарбиялаш, уни жамоа таркибида фаол билим олишга ўргатиш демакдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. Т.-. 2018й.
3. Отавалиева Ў. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. –Т.: Ўқитувчи, 1994. -72 б.



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАДАН ФЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

И.Б.ХУШМУРОВА,

ЎзПФТИ мустақил тадқиқотчиси, п.ф.н., доцент

Мазкур мақола узлуксиз таълим тизимида ташкил қилинадиган педагогик диагностика муаммоларининг ечимини топишга бағишланган. Унда узлуксиз таълим тизимида ўқув-тарбиявий жараёнларни квалитетрик аниқлашга мўлжалланган педагогик диагностика методлари: тестлар, қиёслаш, башорат, интерпретация; принциплари: валидлик, аниқлик, объективлик, ишонарлилик кабилар ўз ифодасини топган.

Таянч нутиунчалар: педагогик диагностика, методлар, тестлар, қиёслаш, солиштириш, башорат, интерпретация, принциплар.

Статья посвящена организации педагогической диагностики в непрерывном образовательном процессе. В ней отражены педагогические методы, которые применяются для квалитетрии учебно-воспитательного процесса в непрерывном образовании. Это тесты, сравнение, прогноз, интерпретация; принципы: валидность, объективность, достоверность и др.

Ключевые слова: педагогическая диагностика, методы, тесты, сравнение, прогноз, интерпретация, принципы.

Жаҳонда ва мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли кадрларнинг педагогик фаолиятида дидактик ва тарбиявий жараёнларда содир бўлган кемтикликларни диагностика қилиш ва уларни коррекциялаш механизмларини такомиллаштириш тақозо этилмоқда. Шу боис, умумий ўрта таълим тизимида ўқитувчилар фаолиятида педагогик диагностикадан фойдаланиш лаёқатини ошириш бўйича мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш зарурати юзага келмоқда.

“Дидактик ва тарбиявий жараёнларда педагогик диагностика педагогик омилларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида шахсга ахлоқий, интеллектуал, эстетик, жисмоний, социологик, экологик ва ижтимоий -психологик таъсир кўрсатиш учун хизмат қилади” [1, 67-6]. Бинобарин, таълим муассасалари ўқитувчилари кўпинча ўқувчи-ёшларнинг ақлий қобилиятларини ўрганишга эътибор қаратадилар, аммо таълим жараёнида ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаларини (кенг маънода) тадқиқ этиш, педагогик диагностика методларидан фойдаланиш механизмларини узлуксиз таълим тизимида ягона узвийлик ва яхлитлик нуқтаи назаридан талқин қилишга, унинг ечимларини топишга уриниш-



майди. Зеро, педагогик диагностика воситасида таълим сифати ва самардорлигини ошириш, ўқитувчининг компетенциявий ёндашувлар асосида таълим жараёнини ташкил этиш, таҳсил олувчиларнинг билим эгаллашларини фаоллаштириш, уларни интеллектуал ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини ўқитиш жараёнига татбиқ қилиш каби муҳим вазифалар амалга оширилади.

Дунё миқёсида амалга оширилаётган тадқиқотларда педагогик диагностика мазмуни, моҳияти, принцип ва параметрларини самарали ташкил этиш, уларни таълим субъектларининг ривожланиш тенденцияларига мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларга зарурат ошганлиги кузатишмоқда. Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида педагогик диагностика асосида таълим сифатини кафолатлаш усуллари Япониянинг Токио педагогика университети, Жанубий Корея Республикасининг Чоннам миллий университети, Хитойдаги Шанхай таълимни баҳолаш институти, Россиянинг бошқарув кадрларни тайёрлаш ва квалиметрик методлардан фойдаланиш орқали уларнинг компетенциясини ошириш Москва давлат университети, Ўзбекистоннинг Бош илмий-методик марказ ва ўқув-илмий марказида аҳамиятга молик илмий натижалар олинган бўлишига қарамасдан, таълим субъектлари (ҳам ўқитувчи ҳам ўқувчи)ларнинг компетенциялари даражаларини диагностика қилиш, таҳсил олувчиларда ўқув предметлари ва таянч фанга оид махсус компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга зарурат ошаётганлиги намоён бўлмоқда. Бу эса педагогик диагностика методларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, уларни амалиётга татбиқ этиш масаласи долзарб педагогик муаммо сифатида қаралиши лозимлигини кўрсатади.

Хориж ва мамлакатимиз олимлари: Г. Ройлеке, Р. Роллет, К. Леонгард, А. Басс, Х. Фегер, Р.Ш. Аҳлидиновлар педагогик диагностикани: «педагогик фаолиятни оптималлаштиришда, қулайлаштиришда зарур бўлган ахборотни қўлга киритиш жараёни» [2,3, 4],-деб таъкидлайдилар.

“Педагогик диагностика” атамаси мамлакатимиз ва хориж олимлари томонидан берилган таърифлар таҳлиллари умумлаштирилди, муаллифлик нуқтаи назаридан баҳоланиб, унга “таълим-тарбия жараёнларини қулайлаштиришга мўлжалланган, ташхислаш методлари, усуллари мажмуаси бўлиб, таълим дастурлари ва тарбиявий таъсир ўтказиш дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи, таҳсил олувчиларни дифференциаллаштиришга қаратилган назорат ва баҳолаш жараёни” деб таъриф берилди.



Узлуксиз таълим тизимининг бир бўғини бўлмиш умумий ўрта таълимда педагогик диагностикадан фойдаланиш механизmlарини такомиллаштириш, ўқитувчидан юксак компетентлик хусусиятларига эги бўлишни талаб этади ва замонавий таълим технологиялари, ахборот ва компьютер технологиялари, ўқув предметини ўқитиш усуллари, ўқитувчиликнинг умуммаданий ва амалий тайёргарлигини намоён эттириш назарда тутилади.

Узлуксиз таълим тизимида педагогик диагностикадан фойдаланиш механизmlарини такомиллаштириш ижтимоий буюртма сифатида қабул қилиниши меҳнат бозорида мутахассисларга қўйилган эҳтиёж, методологик ёндашувга янгича мазмун бахшида этиб, таълим жараёни иштирокчиларининг таълим муҳитида сифатли билим бериш ва билим эгаллаш даражасини оширишга хизмат қилади.

Умумий ўрта таълим жараёнида педагогик диагностикадан фойдаланиш механизmlарини такомиллаштиришда: диагностика методлари: *тестлар, қиёслаш, солиштириш, башорат, интерпретация*; принциплари: *валидлик, аниқлик, объективлик, ишонарлилик*, параметр ва индикаторлар муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик диагностика асосида узлуксиз таълимда таълимий ва тарбиявий методларнинг ўқувчи шахси ривожланишига таъсири ўрганилиши аҳамиятлидир. Улар:

- *онгни шакллантирувчи методлар* (ҳикоя, суҳбат, маъруза, баҳс, намуна);

- *фаолиятни ташкил этувчи методлар* (талаб, ўргатув, машқ, тарбиявий вазиятларни яратиш);

- *стимул методлари* (рағбат, жазо, мусобақа) каби методларнинг шахс тарбиясига таъсири ўрганилди ва ўқув предметини ўзлаштиришда содир бўладиган тарбиявий таъсирини аниқлаш имкониятини яратади.

Узлуксиз таълимда педагогик диагностика таълим жараёнлари субъектларига давлат таълим стандартлари талабларини бажариш динамикасини ҳамда унга таъсир этган омилларни аниқлаш, ташхис натижаларига кўра ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш ҳамда сифатли таълим-тарбия жараёнини оширишга қаратилган чоратадбирлар белгилаш, диагностика натижалари, жамият, фан ва техника, технологиянинг ривожланиши билан боғлиқ равишда зарур деб топилган талаблар асосида айрим ўқув предметлари давлат таълим стандартлари шарҳларига ва ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш, турли педагогик технологияларнинг қўлланиши



натижаларини ўзаро таққослаш, педагогларнинг таълим жараёнида илгор педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари, психологик, дидактик ва методик усуллардан фойдаланишидаги бўшлиқларни аниқлаш, уларни тўлдириш йўллари белгиланиши мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ўқувчи, таълим муассасаси ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг таълим-тарбия сифатига оид ҳолатини башоратлаш асосида сифат муаммоларини комплекс ҳал қилиш имкониятини беради.

Таълим жараёнида педагогик диагностика педагог кадрлар фаолиятининг натижалари ҳамда унинг пировард мақсадлар, белгиланган меъёр даражасига мослигини аниқлаш таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминланганлиги, сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлиликни таъминланганлиги акс эттирувчи умумлаштирилган хусусият ҳисобланади.

Шундай қилиб, педагогик диагностика механизмлари илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги ўқувчиларининг ёш ва психо-физиологик хусусиятларига мос равишда таянч, умумтаълим фанларига оид умумий ҳамда фанлараро интеграциялашган компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш ва коррекциялаш имкониятини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Ш.А. Ҳамкорлик педагогикаси.-Тошкент: Фан ва ахборот технологиялари, 2017.-178 бет.

2. Аҳлидинов Р.Ш. Социально-педагогические основы управления качеством общего среднего образования.: Автореф. дис. д-ра пед. наук. — Ташкент, 2002. — 44 с.

3. Пойлеке Г. Developing tests and questionnaires for a national assessment of educational achievement / Prue Anderson, George Morgan. p. cm.—(National assessment of educational achievement ; volume 2) Includes bibliographical references and index. ISBN 978-0-8213-7497-9 (alk. paper)—ISBN 978-0-8213-7498-6 1.

4. Леонгард К. Управление качеством образовательного процесса: Монография. / Г.А. Бордовский, А.А.Нестеров, С.Ю. Трапицын. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2001. - 359 с.



ЎҚУВЧИЛАРДА УЗЛУКСИЗ ТАЯНЧ ҲАЁТИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Э.Ю.ДАВЛЕТОВ,

УрДУ ўқитувчиси

Ушбу мақолада таянч компетенциялар, уларни ҳосил қилишнинг ўқувчилар учун зарурлиги, мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич синфларда мазкур компетенцияларни шакллантириш учун яратиладиган педагогик шарт-шароитлар, йўналишлар, таянч ва фанга оид компетенцияларнинг таркибий қисмлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, ушбу фикрлар тарбиячилар, ота-оналар, бошланғич синф ўқитувчилари, дастур ва дасрлик муаллифлари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Таянч сўзлар: фанга оид компетенциялар, таянч компетенциялар, математик билимлар, бошланғич синф ўқувчилари, тарбиячилар, тайёрлов гуруҳлари, дидактик воситалар, педагогик жараён.

In this article, the basic competences, the need to create them to prepare for the training are as follows: pre-school preparation groups and pedagogical conditions created for the formation of these competencies in the primary classes, direction, components of basic and science competence, are those of educators, parents, elementary school teachers, program authors, and authors of the textbooks programmable.

Keywords: Science competencies, basic competencies compete, mathematical knowledge, primary school students, educators, training groups, didactic means, pedagogical process.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ҳаёт суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиёт ижтимоий ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Ўқувчиларнинг аксарият қисми келажакда тадбиркор, иқтисодчи, банк ходими, иш бошқарувчи, маркетинг касбларини танлашга интилоқдалар. Бу касбларнинг асосини математик билимлар ташкил қиладди. Бу эса математикага оид билимлар, математик саводхонлик, фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциясини эгаллашни талаб қиладди [3]. Чунки ҳар бир шахс ўз ҳаёти ва касбий фаолияти давомида иқтисодга оид муаммоларга дуч келади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни бошланғич синфдан бошлаб иқтисодга оид билимлар ва зарур ижтимоий компетенциялар билан қуроллантириш талаб қилинади. Шунга кўра, мактаб таълимининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда ҳаётий- ижтимоий компетенцияларни шакллантиришдан иборат. Шундагина ўқувчилар турли ҳаётий вазиятларда ўзлари дуч келган муаммоларни мустақил ечиш лаёқатига эга бўлади.



Бугунги кунда таълим жараёнида, биринчи навбатда, ишбилармонлик сифатларига эга бўлган шахсни шакллантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тафаккури ривожланган шахс хўжалик ҳамда ҳаётий фаолиятга тайёр бўла олади. Шунинг учун ҳам бошланғич синфлардаёқ, асосан математика дарсларида ўқувчиларга иқтисодий билимларни турли мисол ва масалалар таркибида тақдим этиш лозим. Чунки ўқувчилар иқтисодий муаммолардан четда қолмасликлари керак. Акс ҳолда уларда ҳаёт учун зарур бўлган таянч компетенциялар етарлича шаклланмайди. Кузатишлармиз ўқувчиларда иқтисодга оид билимларнинг етарлича шаклланмаганлигини кўрсатди. Жумладан, кичик мактаб ёшидаги болалар ўз ота-оналари билан савдо шахобчаларига кирар эканлар улардан турли ширинликлар, ўйинчоқлар, кийимларни харид қилишни қатъий талаб қиладилар. Бу жараёнда уларни ушбу нарсаларнинг нархи, ота-оналарнинг уни сотиб олиш учун маблағлари етарли ёки етарли эмаслиги мутлақо қизиқтирмайди. Ёки болани савдо шахобчасига юбориб, ундан нон, сут, қанд олиб келишни талаб қилганларида фарзандлари ушбу нарсалар ўрнига бирор ўйинчоқ, ширинлик ёки рангли ичимликларни олиб келадилар. Уларнинг рўзгорининг эҳтиёжи, ота-онасининг нон сотиб олиш учун бошқа пули бор ёки йўқлиги мутлақо қизиқтирмайди. Кўриниб турибдики, ўқувчиларда иқтисодий компетенциялар деярли шакллантирилмаган. Чунки ўқувчилар пулни қандай ишлаб топилиши ва уни қандай сарфлаш лозимлигини англаб етмайдилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда бошланғич таълим жараёнидаёқ, иқтисодий тушунчалар ҳақида алоҳида тасаввур ҳосил қилиш лозим. Шундагина улар ота-оналарнинг у ёки бу нарсани сотиб олишни инкор этишлари сабабларини тушуниб етадилар. Шунинг учун ҳам таълим жараёнининг муҳим вазифаларидан бири бошланғич синф ўқувчиларида математика дарсларида иқтисодий тафаккур элементларини шакллантириш, шу орқали уларни ҳаёт ва хўжалик фаолиятига тайёрлашдан иборат.

Бошланғич синф ўқувчиларининг иқтисод асослари бўйича эгалланган билимлари ўз оилаларининг иқтисодий ҳаётида иштирок этишларида кўмаклашади. Бу эса ўқувчиларнинг 5-11-синфларда бозор иқтисоди асосларини эгаллашларига кўмаклашади. Шу нарса аёнки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда шахсий инсоний фазилатларнинг шаклланиш



жараёни бошланади. Ушбу даврда турли даражадаги билиш жараёнлари жадал ривожланади. Жумладан, идрок, хотира, тафақкур, нутқ, диққат, тасаввур кабилар. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчилари учун иқтисодий билимларни идрок қилиш ва ўзлаштириш осон кечади.

Маълумки, бошланғич синфларда иқтисодий билим асослари мустақил ўқув предмети сифатида ўрганилмайди. Бошланғич синф ўқувчиларига иқтисодий билимлар, маълумотлар ва тушунчалар турли ўқув предметлари таркибида тақдим этилади. Бироқ иқтисодий тушунчалар турли рақамлар ҳисоблаш амаллари билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам айнан математика дарсларида кенгроқ ўргатилади. Иқтисодий билимларнинг турли кўринишлари математик усуллар ёрдамида ўқувчиларга тақдим этилади. Математик амаллар турли иқтисодий масалалар, муаммолар ва масалаларни ечиш жараёнида қўлланилади.

Ҳар бир дарсда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг шахсий сифатлари ва таянч ҳамда фанга оид компетенцияларини узлуксиз ривожлантиришдан иборат. Бу узоқ ва узлуксиз давом этадиган педагогик жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи биргина дарснинг ўзида кутилган натижага эришиши имконсиз. Бунинг учун ўзаро бир-бирини тўлдирадиган ўқувчиларнинг таянч ва фанга оид компетенцияларини тадрижий тарзда ривожлантира оладиган дидактик жараёни ташкил этиш талаб қилинади [5]. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқитувчиси дарсдан-дарсга ўқувчиларнинг билимлари, таянч ҳамда фанга оид компетенцияларини такомиллаштириб бориши лозим.

Таянч компетенциялар Ўқиш, Она тили, Атрофимиздаги олам, Табиатшунослик дарсларида ҳам шакллантирилади. Бу жараёнда ўқитувчидан ўқув предметлараро алоқадорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши талаб қилинади. Математика ўқув предмети бошланғич синф ўқувчиларида ҳаётий таянч компетенцияларни шакллантириш учун қулай ҳисобланади. Математика дарсларида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш орқали кўплаб таълим-тарбиявий вазифаларни ечиш мумкин. Бошланғич синфларда математикани ўрганиш уларнинг математик кўникма ва малакаларини эгаллашларига хизмат қилади. Бу ўқувчиларнинг ривожланишлари, таълимнинг кейинги босқичларида узлуксиз тарзда математикани ўзлаштиришлари ҳамда ҳаётий компетенцияларни эгаллашлари учун муҳим аҳамият



касб этади [2]. Шунингдек, математика дарсларида ўқувчиларнинг билиш лаёқатлари, хотиралари, фикрлаш фаолияти, тасаввурлари, нутқи, диққати узлуксиз тарзда ривожланади. Умун олганда, бошланғич синфларнинг математика дарсларида ўқувчиларнинг ақлий ривожланишлари таъминланади. Ақлий тараққиёт ўқитувчининг мақсадга йўналтирилган фаолияти маҳсули бўлиб, ўқувчиларнинг интеллектуал қувватлари ва тафаккурларини ривожлантириш орқали ақлий меҳнат маданиятини эгаллашларига кўмаклашишдан иборат.

Ақлий ривожланиш илмий билимларни ўзлаштириш натижасида амалга ошади. Билимларни ўзлаштириш ва уларни мунтазам чуқурлаштириш мазкур билимларни эгаллаш ўқувчининг шахсий этиқоди, маънавий бойлигига айланганда ўзбек ёшларининг миллий ғурури ва фаол фуқаролик мавқени белгилашга хизмат қилади. Мактаб таълими олдига қўйилган асосий вазифалардан бири ўқувчиларда барқарор, тезкор фикрлаш фаолиятини шакллантиришдан иборат. Ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнлари жадал ривожланаётган жамиятнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши керак.

Математик билимлар ва амаллар ўқувчиларда мантиқий фикрлашни шакллантиришга кўмаклашади, муайян ҳаётий вазиятларда ўзини намоён қилишга ўргатади. Шунинг учун ҳам математика дарсларида ўқувчиларни комплекс ривожлантиришнинг қуйидаги принципларига таянилади. Улар: тизимлилик, кетма-кетлилик ва тадрижийлик, инсонпарварлик, ўқувчиларга демократик муносабатда бўлиш, ўқитувчининг шахсий намунаси, мақсадга интилувчанлик, кўргазмалилик, ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатиш, ҳаёт билан алоқадорлик кабилар.

Ўқувчиларни фикрлашга ўргатиш жараёнида уларда ҳис-туйғуларни тарбиялашни ҳам унутмаслик керак. Чунки инсоннинг ақли ва ҳис-туйғулари ўзаро алоқадорликда ривожланади. Муайян ҳис-туйғулар ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини ривожлантиради, баъзи хатти-ҳаракатлар эса унга тўсқинлик қилади. шунинг учун ҳам ўқитувчи дарсларда ижобий эмоционал ҳолатни вужудга келтириб, ўқувчиларда бир қатор ҳис-туйғуларни шакллантириши лозим. Улар: таажубланиш, манфаатдорлик, завқланиш, қувонч ва муаммога самарали ечимлар топланлигидан қониқиш ҳосил қилиш кабилар. Математика дарслари ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига таъсир кўрсатиши билан бир



қаторда уларда эстетик-ахлоқий сифатларини шаклланишига ҳам замин ҳозирланади. Шу билан бир қаторда юқорида таъкидланганидек, ўқувчиларда иқтисодий билимларни шакллантиришга ҳам асос яратилади. Мазкур ўқув предмети дастурида тақдим этилган мавзулар ўқувчилар кўз ўнгида иқтисодга оид жараёнларни гавдалантириш имконини беради. Ушбу билимлар ўқувчиларнинг жамият аъзолари фаровонлигини таъминлаш сирлари, пулнинг қардан олиниши, нима учун ота-оналар ҳар доим улар ҳоҳлаган нарсаларни сотиб ололмаслиги, иқтисодий имкониятларининг чекланганлиги, маҳсулотларнинг нима учун реклама қилиниши қаби-лар ҳақида дастлабки тушунчаларга эга бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори // www.lex.uz
2. Бошланғич таълим концепцияси // тузувчилар: Р.Г.Сафарова ва бошқ.- Тошкент: РТМ-2015.
3. Гаврилюк Н. В. Экономическое воспитание на уроках математики в начальных классах - Курсовая работа, 2006.
4. Дзундза А. Формирование экономического мышления учащихся средствами экономико-математического моделирования. - Родная школа, 2004, № 4.
5. Лебедев, О.Е. Компетентностный подход в образовании // Школьные технологии. -2004. -№5. - С.3-12



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ

С.А.ҚҶЧҚОРОВ,
ФАРДУ ўқитувчиси

“Internet” дан, яъни ахборот тармоғидан фойдаланиш оммавий тус олган бўлиб, глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақолада замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, маълумотни такомиллаштиришда янги ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш бугунги кун талаби сифатида ҳарбий таълимни масофадан ўқитиш тизимининг моҳияти қисқача ёритилган.

Калим сўзлар: замонавий таълим, технологиялатириш, ахборотлаштириш, таълим шакли, идентификацион назорат, педагогик технология, ноанъанавий технология.

Использование информационных технологий, то есть использование сети “Internet”, имеет особое значение, а использование глобальных информационных систем особенно важно. В данной статье кратко описывается сущность дистанционного обучения в военном образовании как современного требования для более широкого доступа к современным знаниям и эффективного использования новых информационных технологий для получения информации.

Ключевые слова: современное образование, технология, информация, образование, идентификационный контроль, педагогические технологии, нетрадиционные технологии.

The use of information technology, that is, the use of the Internet, is of particular importance, and the use of global information systems is particularly important. This article briefly describes the essence of distance learning in military education as a modern requirement for wider access to modern knowledge and the effective use of new information technologies for information.

Key words: modern education, technology, information, education, identification control, pedagogical technologies, non-traditional technologies.

Республикаимиз миқёсида узлуксиз таълим тизимига ўзгартиришлар киритилганидан сўнг, педагогик таълим тизимига ўқитишнинг янги метод ва усуллари, замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ўқитишнинг дастурий воситалари билан, жумладан, масофадан туриб ўқитиш, электронлаштириш форум, чат ва илмий анжуманлар, электрон дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар яратиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнига қўллаш бўйича улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Маълум бўлдики, масофавий ўқитиш тизимидан таълимда фойдаланиш ўқув



фанларини янада юқори савияда ташкил этиш омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Масофадан ўқитиш тизимига ҳарбий таълим ўқув фанларини кенг жорий этилиши, ҳарбий педагог кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш борасида талай афзалликлар ва қулайликларни келтириб чиқариши билан бирга, талабалар учун ҳарбий таълим фанларини мукаммал ўзлаштиришларини тезлаштиради.

Таълим жараёнига илғор педагогик технологиялар ва замонавий ахборот технологияларини киритиш, замонавий усул ва воситалар билан, жамланган, масофадан туриб ўқитиш, электронлаштирилган форум, чат ва анжуманлар конференция (мунозара) ва (Интернет бўйича суҳбат) ўтказиш, электрон дарслик ҳамда электрон ўқув қўлланмалар яратиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашга қаратилган тадбирлар, илмий ишлар ва мақолалар кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса масофадан ўқитиш тизимини педагогик таълим тизимида кескин ривожланишига туртки бўлмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги қонунга амал қилиб ва “Internet” тармоғидан самарали фойдаланганимиз учун, таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Таълим тизимида масофадан ўқитиш услуги шакллари қўлланилмоқда. Масофадан ўқитиш услуги – бу сиртқи ўқишнинг янги шаклидир. Масофадан ўқитиш ўзига хос мустақил ўқишдир. Мустақил ўқиш инсоннинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, ҳулосалаш, башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда таълим олувчи ўзида қулай вақтда ва ҳаттоки ишдан ажралмаган ҳолда ўқиши мумкин. Айнан шу афзалликлари туфайли бу услуб дунёда ҳозирги кунда кенг тарқалган. Кўпгина йирик корхоналар мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзгартириш учун ушбу услубдан кенг фойдаланмоқдалар.

Масофадан ўқитишда “Internet” ёрдамида мулоқот ва ахборот олиш имкониятлари пайдо бўлади. Бу эса таълим олувчи учун махсус ўқиш имкониятини кенгайтиради. Таълим олувчи томонидан фанни ўзлаштириш тезлиги ва сифати кескин ортади.

Масофадан ўқитиш қандай амалга оширилади? Дунёда кўпгина университетларда ва ўқув марказларида бу усул мавжуд.

Масофадан ўқитиш технологияси (МЎТ) 1969 йилда Англияда бош премьер министр Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган, деб



ҳисобланилади. Аммо масофадан ўқитиш анча олдинроқ биз учун жуда муҳим бўлган биринчи барқарор ва мунтазам почта алоқалари шаклланиши даврларида юзага келган. АҚШда шунга ўхшаш ўқитиш тизими 60 йилларнинг ўрталарида қўлланила бошлаган. Ўша пайтларда яқин жойлашган корпорация ишчилари учун ўқув курсларини баъзи муҳандислик коллежлари телевидение орқали тақдим этган. 1948 йилдан бошлаб дастурлар Миллий Технологик Университет таълимига мослаштирилган. Кўп йиллар давомида «Эдент» таълим тармоғидан телевизорни компьютерга улаб фойдаланилмоқда. Индивидуал ЭХМ барча даражадаги таълим муассасалари тармоғига улаиш имкониятига эга. Бутунги кунда АҚШда масофадан ўқитиш дастури бўйича бир миллиондан ортиқ талаба таълим олади. Улар ўқув курсларини Оммавий телеэшиттириш тизими орқали қабул қиладилар. Ўқиш дастурлар фан, бизнес ва бошқаришнинг турли соҳалари бўйича курсларни тақдим этади. Бунда ўқув курслари Ернинг сунъий йўлдоши орқали бутун мамлакат бўйлаб ва бошқа давлатларга ҳам тўртта ўқув тармоғи (канал) орқали узатилади.

Европада масофадан ўқитиш XX асрнинг 70 йиллари бошларида жадал ривожлана бошланди. Бу қатор Очиқ университетларни ривожланиши билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Европанинг ҳар бир мамлакатида масофадан ўқитишни жорий этган таълим муассасалари анча кўпайган. Шунинг учун ҳам охириги ўн йилликда кундузги бўлимларда ўқиётган талабаларга қараганда ноанъанавий технология асосида ўқиётган талабаларнинг сони тезроқ ўсмоқда. Ўқитишнинг ноанъанавий шаклига ўтиш тенденциясини ана шундай технологиялар асосида кадрлар тайёрланадиган ва уларни қайта тайёрлайдиган таълим муассасалари сонинг кўпайишида ҳам кўриш мумкин.

Масофадан ўқитиш тушунчаси бўйича, турли хил фикрлар ва қарашлар мавжуд. Бу борада, Америка Масофадан ўқитиш кенгаши, масофадан ўқитишни талабаларнинг мустақил ўрганиши учун мўлжалланиб, маълум изчиллик асосида жойлаштирилган ҳолда тақдим этилган ўқув материалларини таълим муассасасида қайд этиш ва ўқитиш тарзида таърифлайди. Чунки, бир дарсдан кейин талаба факс, почта ёки компьютер ёрдамида ўқитувчиларга аттестация учун назорат иши, ўқув предметини ўрганиш бўйича қўлланма ва шарҳлар жўнатади. Текширилган назорат ишлари талабага яна қайтариб юборилади ва бунда



«ўқитувчи- талаба» шахслараро муносабат орқали ўзаро алоқа ўрнатилади. Масофадан ўқитиш таълим субъектлари ва объектларининг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларни географик фазовий жойлашишига боғлиқ эмас.

Масофадан ўқитишда ўқитувчи билан тингловчи (талаба) ўртасидаги мулоқот компьютер, телекоммуникация (локал ва глобал) тармоқлари орқали амалга оширилади. Ўқув жараёнида тингловчи ўқув материалларини ва топшириқларни ўз компьютерига локал ёки глобал (Internet) тармоқ орқали олади. Бажарилган тест ва назорат топшириқларини ўқитувчига электрон почта ёки (Internet) тармоғи орқали юбориши мумкин. Масофадан ўқитиш тизимининг қуйидаги масалаларини эътиборга олган ҳолда унинг ривожланишини турли ижтимоий гуруҳларга йўналтириш мумкин:

- анъанавий усул билан таълим олиш имконияти бўлмаган талабаларга;
- узоқ сафарларда юрадиган шахсларга;
- офицер кадрлар ва уларнинг оила аъзоларига (масалан, чекка жойларда ҳарбий хизматни ўтаётганлар назарда тутилган);
- чекка вилоят, шаҳар ва туманларда яшайдиган талабаларга;
- маълумоти бор лекин қўшимча маълумот олишни хоҳлаганларга;
- иш билан банд, аммо ўқишни истайдиган фуқароларга.

Масофадан туриб ўқитишни ташкил этишнинг асосий тамойиллари қуйдагилардан иборат:

- ихтиёрий ёшдаги талабалар гуруҳи учун таълим олиш имкониятининг мавжудлиги;
- юқори сифатли ўқув материалларини танлаш имконияти;
- ўқитиш жараёнини юқори даражадаги ошкорлик ва самарадорликда ўтказиш мумкинлиги.

Масофадан ўқитиш курсларни яратишда уларни анъанавий дарсликларнинг электрон нусхаси шаклида тақдим этиш кўп учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Чунки, замонавий ахборот технологиялари ўқитувчига масофавий ўқитишда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш бўйича катта имкониятлар яратиб беради. Масофадан ўқитиш тизимининг анъанавий таълим шаклидан фарқи унинг эгилувчанлигига боғлиқ ра-



вишда юқори ҳаракатчанлиги, тингловчиларда мустақил ишлаш имкониятининг катталиги, ўқув-методик таъминотнинг ранг-баранг ва кўرғазмали шаклдалигида бўлиб, улар тингловчиларнинг қаердалигидан қатъий назар таълим жараёни самарадорлигини кўтаришга имкон беради.

Масофадан ўқитишни ҳарбий таълим тизимига жорий қилишда қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқ:

1. Таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашув.
2. Ўқув фаолиятини олиб боришга нисбатан ижодий ёндашув.
3. Таълим жараёнининг изчил, узлуксиз ва мақсадга мувофиқ ташкил этилиши.

4. Таълим жараёнининг инсонпарварлик, демократик, диалектик ва динамик хусусиятлар касб этиши.

5. Талабаларнинг мустақил фаолият юритишларига имкон яратиш.

6. Таълим жараёнида ахборот технологиялари хизматидан самарали фойдаланиш.

Хулоса шуки, *масофавий таълим* ўқув ахборотлари алмашилиш воситалари (ер сунъий йўлдоши, телевидение, радио, компьютер алоқа ва бошқалар)га таяниб, ихтисослаштирилган ахборот муҳити ёрдамида масофадан мамлакат аҳолисининг кенг қатламига ва хорижий давлатларга тақдим этиладиган таълим хизматлари мажмуидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лутфуллаев М.Ҳ. Интернет маълумотлар хазинаси.//Ж. Фан ва турмуш. 2002. -№3-4. -Б. 2-4.

2. Муслимов Н. Elektron darslik yaratish metodik tamoyillari va texnologiyalari.//Info Com.UZ. —2004. —июль. — Б.62 —66.

3. Монахов Н.В. Эволюция дистанционного образования. //Информационные технологии. — 2003.— №2.— Б. 89 — 94.

4. Қудратуллаев Ҳ. “2006-2007 ўқув йили ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили”. Дарсингизда компьютер технологияларидан фойдаланаяпсизми?//Маърифат. – 2006. 18 ноябрь.

5. Эгамбердиева Ф.О. Адабий таълимда илғор педагогик теологияларни татбиқ этиш методикаси: Дисс. ... пед. фан. номзоди: Тошкент., 2005. – 146 б.



UZLUKSIZ TA'LIMDA JISMONIY MADANIYATNI UZLUKSIZ RIVOJLANTIRISH

O.XUDOYBERDIYEV,
UrDU o'qituvchisi

Maqolada O'zbekiston Respublikasi yoshlariga jismoniy ta'lim-tarbiya berishni rivojlantirish va uni amalga oshirish masalalari xususida so'z yuritilgan. Respublika rahbariyatining jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan e'tibori, yoshlarning uzluksiz jismoniy rivojlanishini ta'minlaydigan «Umid nihollari», «Barkamol avlod», «Universiada» uch bosqichli sport o'yinlarini tashkillashtirish hamda o'tkazish muammolariga urg'u berilgan. Muallif tomonidan milliy sport o'yinlari yo'nalishi bo'yicha o'qituvchi-trener kadrlarni tayyorlash tizimini modernizatsiya qilish bo'yicha tavsiyalar berilgan.

Tayanch iboralar: yoshlarning jismoniy va ma'naviy rivojlanishi, jismoniy tarbiyaning uzluksizligi, yosh avlodni sog'lomlashtirish, pedagog-trener, kadrlar tayyorlash, milliy sport o'yinlari.

In article questions of development and improvement of physical training and education of youth in the Republic of Uzbekistan are taken up, the attention of the management of the Republic to physical culture and sport development, to the organization and carrying out the three-stage sports competitions «Umid Nihollari», «Barkamol Avlod», «Universiada» providing a continuity of physical development of youth is noted. Recommendations about modernization of system of training of teachers-trainers about national sports are given by the author.

Keywords: physical and spiritual development of youth, continuity of physical training, improvement of young generation, teacher-trainer, training personnel, national sports.

В статье освещены вопросы развития и совершенствования физического воспитания и образования молодежи в Республике Узбекистан, отмечено внимание руководства Республики к развитию физической культуры и спорта, к организации и проведению трехступенчатых спортивных соревнований «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада», обеспечивающих непрерывность физического развития молодежи. Автором приведены рекомендации по модернизации системы подготовки кадров учителей-тренеров по национальным видам спорта.

Ключевые слова: физическое и духовное развитие молодежи, непрерывность физического воспитания, оздоровление молодого поколения, педагог-тренер, подготовка кадров, национальные виды спорта.

Jamiyat ma'naviyatini rivojlantirishda ajdodlar merosi (tarixiy xotira, ajdodlar



tarixini bilish, milliy-axloqiy qadriyat va an'analar, muqaddas dinimizning o'mi va ahamiyati to'g'risidagi ma'lumotlar) katta ahamiyatga ega. Biron-bir xalq o'z tarixini bilmay, asrlar davomida yaratilgan milliy va umuminsoniy ma'naviy merosga tayanmay hamda uni takomillashtirmay turib, o'z kelajagini tasavvur eta olmaydi va rivojlanishning maqsadga muvofiq rejasini tuza olmaydi. Bu jismoniy madaniyatni rivojlantirishga ham tegishli. Chunki jismoniy madaniyat kishilarning ma'naviy-jismoniy kamolotini ta'minlash bilan birga, Vatanning mudofaa qudratini ham oshiradi.

Davlatimiz tomonidan barkamol avlod tarbiyasida bunday g'amxo'rlikning ko'rsatilishi ularni ma'naviy jihatdan etuk va jismoniy jihatdan baquvvat qilib tarbiyalashga xizmat qilib, yoshlarimizda quyidagi sifatlarning shakllanishiga sharoit yaratadi: Vatani va xalqiga sadoqat; Vatan mudofaasini o'zining sharaflı burchi deb bilish; Vatan kelajagi va xalq taqdiri uchun yuksak mas'uliyat hissigaga bo'lish; o'zbek sportini dunyoga mashhur qilishda jonbozlik ko'rsatish; kelajakni oldindan ko'ra olish; xalqning urf-odatları, an'anaları va tarixiga, buyuk ajdodlariga hurmat va yuksak e'tiborli, adolat tamoyillariga sadoqatli bo'lish kabilar.

Demak, mamlakatimizda barkamol avlod tarbiyasi bilan bog'liq barcha jihatlar davlat nazorati va g'amxo'rliğı asosida olib borilmoqda. Bu borada Respublikamiz Prezidenti I.A.Karimovning rahnamoligi va g'amxo'rliğı alohida ahamiyat kasb etmoqda. Fikrimiz dalili sifatida shu yili Buxoro shahrida o'tkazilgan "Universiada – 2013" sport o'yinlari ishtirokchilariga yo'llangan tabrik so'zini olaylik. Unda yoshlarimizga berilgan ko'rsatmalar mamlakatimizda barkamol avlod tarbiyasiga, xususan, jismoniy tarbiya va sportga berilayotgan e'tiborning yorqin namunasidir [1].

Sportni rivojlantirishga qaratilgan barcha me'yoriy hujjatlar: farmon, qaror va buyruqlarning ijrosi davlat nazoratiga olingan. Buning ijrosi aholi o'rtasida jismoniy madaniyatni yuksaltirish, bo'lajak mutaxassislarimizda milliy sport turlariga oid nazariy bilim va amaliy ko'nikmalarni tarkib toptirish orqali amalga oshirilishi mumkin.

Oila, mahalla, o'quv muassasalari, dam olish maskanlari hamda turli oromgohlarda yuqoridagi talablarga bevosita amal qilinishi lozim. Bu esa ommaviy sog'lomlashtirish ishlarini olib boruvchi, jismoniy madaniyatni yuksaltirishda faol qatnashuvchi, jismoniy tarbiya va sportga oid tadbirlarni tashkil qiluvchi, milliy sport turlarini uyushtiruvchi murabbiylarga nisbatan ehtiyojni yanada oshiradi, mamlakatimizda uzluksiz ta'lim tizimiga, xususan, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimiga ijtimoiy buyurtmalarni shakllantirishdan asosiy maqsad O'zbekiston Respublikasining "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportni



yanada rivojlantirish chora- tadbirlari to'g'risida" (1997 yil 27 may) va "Ommaviy sport tadbirlarini yanada kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi (2003 yil 4 noyabr) qarorlari, DTS va "Sog'lom avlod" Davlat dasturi talablarini hayotga joriy etishdan iborat. Bu maqsad zamidagi **jismoniy madaniyat rivojlanishining** uzluksizligini ta'minlash, o'quvchi-yoshlarni muntazam ravishda sport tadbirlariga jalb qilish muammosining echimini topish masalasi yotibdi, ushbu maqsadda "Jismoniy tarbiya" dasturi ishlab chiqilgan. Ulardan ko'zlangan maqsad mazmun-mohiyatini kasb-hunar tahsilini olayotgan yoshlar, xususan, milliy sport turlari bo'yicha murabbiy-o'qituvchilarning har tomonlama etuk bo'lishi, zamon talablariga to'liq javob beradigan milliy kadr bo'lishi, Vatanga sadoqatli, fidoyi, raqobatbardosh mutaxassis bo'lib etishishining zarurligi tashkil etadi.

Ma'lumki, milliy sport turlari bo'yicha zamonaviy mutaxassislarni tayyorlashdan maqsad ularni kasbiy-ma'naviy etuk, intellektual salohiyatli hamda, eng asosiysi, davr talablariga javob beradigan, Vatanga sadoqatli, milliy mafkuramizga e'tiqodli qilib tarbiyalashdan iborat. Bunday talablarni mazkur o'quv rejasidagi fanlarni an'anaviy usullar bilan o'qitish orqali bajarib bo'lmaydi, chunki eski usullar yordamida zamonaviy talablarga javob beradigan ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish mumkin emas. Bundan tashqari, mazkur o'quv rejasidagi jismoniy tarbiyaga oid fanlar mazmuniga milliy qadriyatlarga oid ma'lumotlarni singdirishning aniq mexanizmi ishlab chiqilmagan. Bular bo'lajak murabbiy-o'qituvchilarning ma'naviy jihatdan etuk bo'lib shakllanishiga va milliy sport turlarining mazmun-mohiyati, bu boradagi milliy an'analarimiz hamda urfodatlarimizni chuqur anglash uchun yetarli emas.

Milliy sport turlari bo'yicha murabbiy-o'qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashni quyidagi ketma-ketlikda modernizatsiyalash lozim:

1) milliy sport turlari bo'yicha murabbiy-o'qituvchilarni tayyorlashda tarixiy-ma'naviy mustahkam poydevorga asoslanish;

2) milliy qadriyatlardan foydalangan holda, milliy sport turlari bo'yicha murabbiy-o'qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashning ilmiy-nazariy asoslarini ishlab chiqish;

3) axborotli ta'lim muhitida milliy qadriyatlardan foydalangan holda murabbiy-o'qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashga oid bilim, ko'nikma va malakalar majmuini shakllantirish;

4) Olimpiya zaxiralari kollejlari mutaxassis-o'qituvchilarining zamonaviy ilmfan, texnika va texnologiyalarning yutuqlaridan doimo xabardor bo'lishiga, ulardan



o‘z kasbiy faoliyatlarida oqilona foydalana olishiga erishish;

5) axborotli ta’lim muhitida milliy sport turlari bo‘yicha murabbiy-o‘qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda ta’lim mazmunini zamonaviy talablar asosida yangilash, o‘quv-metodik qo‘llanmalar, darslik va dasturlar tayyorlash;

6) bo‘ljak murabbiy-o‘qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda uzluksiz pedagogik ta’limning zamonaviy vositalarini tuzish va uni amaliyotga joriy etish;

7) milliy sport turlari bo‘yicha murabbiy-o‘qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda muayyan fan yoki yo‘nalish bo‘yicha “Innovatsion dasturiy didaktik majmualar” yaratishni keng yo‘lga qo‘yish;

8) Olimpiya zaxiralari kollejlari axborot-resurs markazlarida axborotli ta’lim muhitida milliy sport turlari bo‘yicha murabbiy-o‘qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlash jarayonini tegishli o‘quv, o‘quv-metodik, ilmiy-metodik, ilmiy-ommabop va shu kabi adabiyotlar bilan ta’minlash, audio-video ko‘rgazmali vositalari ishlab chiqish, tashviqot-targ‘ibot ishlarini olib borish.

Keltirilgan modernizatsiyalash jarayonini og‘ishmay amalga oshirish uchun Olimpiya zaxiralari kollejlari ta’lim-tarbiyaning ilg‘or, samarali usullarini yaratishga qaratilgan ilmiy-uslubiy faoliyat olib borish zarur.

Demak, milliy qadriyatlardan foydalangan holda, milliy sport turlari bo‘yicha murabbiy-o‘qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashni optimallashtirishda samarali ta’lim texnologiyalari va ta’limning innovatsion usullarini qo‘llash zarur bo‘lib, bular ushbu yo‘nalishdagi ilmiy-nazariy va metodologik asoslarni ishlab chiqishga keng imkoniyatlar yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов И.А. “Универсиада–2013” спорт ўйинлари иштирокчиларига / “Халқ сўзи” газ. – Т.: 2013 (07.06.2013) - № 110 (5784). – Б. 1.
2. Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э. Влияние Национальной программы по подготовке кадров на развитие общества и формирование личности // Учеб.пособие. – Т.: Академия Гос. и общ.строит., 1999. – 100 с.
3. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. – Т., 2004. – 263 б.



КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Л.Б.МАХМАТГАЗИЕВА,

*СамДУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
худудий маркази*

Мақолада касбий таълим фанларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг амалий аҳамияти хусусида фикрлар баён этилган. Ўқувчи ёшларни тўғри касб танлаши ҳамда ўз касбининг малакали мутахассиси бўлиб етишишида мактаб ва олий таълим муассасалари ўртасида, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналари билан узвийлик ва узлуксизни таъминлаш борасидаги фикрлар келтирилган.

Таянч сўзлар: касбий таълим, узлуксиз таълим, таълим босқичлари, компетенциялик.

Узлуксиз таълим тушунчаси расман илк бор 1968 йилда ЮНЕСКО ташкилотида бўлиб ўтган анжуманда тилга олинган бўлиб, ўтган давр мобайнида у мазмунан шаклланди ва ривожлантирилди.

Ватанимизга илғор технологиялар ва чет эл инвестицияларини кираб келиши натижасидаги глобаллашув жараёнлари меҳнат бозори талабларини тез ўзгарувчанлигига олиб келмоқда. Бундай шароитда малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий бўғинлари – умумий ўрта ва олий таълим тизимлари орасида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Таҳлиллар шунини тасдиқлайдики, ўқувчи олган билимларини қаерда ва қачон қўллай олсагина унинг қадр-қимматига ишонади. Таълим олган сари шахсий қадриятлар кенгайиб, ўқувчини ижтимоий-фаол шахсга айлантиради.

У инсон-техника, инсон-жамият, инсон-табиат, фан-табиат муносабатларининг чуқурлигига шубҳасиз ишонади. Шахсий қадриятлар инсонни ички дунёси ва жамият билан боғловчи занжир бўлиб, муҳим компетенцияларни шакллантиради. Шунда эгаллаган билимлар ва кўникмалар келгуси касбий ва кундалик фаолиятда қийинчиликларга бардош бериш, касбни диверсификация қилишга, ўқишни давом эттиришга тайёр бўлишига восита бўлади. Таълим турлариаро компетен-



циявий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этилишида таълим жараёни интеграцияси қуйидаги ёндашув асосида ташкил этиш яхши натижа-лар бериши мумкин.

Умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчи-ёшларни олий таълим муассасаларида ташкил этилган ўқув жараёни, турли касб эгаларининг иш жараёни билан таништириб бориш, келгусида уларнинг олий таълим муассасаларида ўқишига, касбий фаолият билан шуғулланишига адаптация ҳосил қилишини, қолаверса тўғри касб танлаш имкониятини беради.

Шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни амалий, лаборатория ишларини ўтказишда, реферат, илмий-тадқиқот ишларига қатнашишига жалб этиш зарур. Бу уларни қизиқтириш (ўқишга қизиқтириш, таълим олиш эҳтиёжини ривожлантириш), мазмунан шакллланган (ўқувчиларда амалий ва интеллектуал билим ва кўникмаларини, ижодий фаолият компонентларни ҳамда атроф муҳитга ахлоқий қадриятлар муносабатини шакллантириш), технологик-ташкилий ёндашувни ривожлантиришга (ўқув фаолиятни ташкиллаштириш усуллари, шакллари ва ёндошувлари орқали) олиб келади.

Ўқувчиларда касбий компетентликни шакллантиришдаги бундай ташкилий-педагогик ва дидактик масалалар ечими узлуксиз таълимни мазмунан методик таъминлайди ҳамда инновацион таълим муҳитини яратади.

Таълим муассасаларидаги олиб бориладиган ташкилий-педагогик ишлар қуйидагиларда ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ:

- таълим жараёнида аксиологик-тизимли ёндашувни амалга ошириш;
- касбий-малакавий билим олишнинг кадр-қимматини шакллантиришга ёрдам берадиган механизмни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- касбларнинг ўзига хослигини инобатга олиб, таълим мазмунини модулькомпетентлик асосида тузиш;
- ҳар бир таълим шаклида интеграция жараёнининг мувофиқлигини таъминлаш;
- билим олишга қизиқишни, мустақиллик, фаоллик даражасини оширадиган инновацион интерфаол усулларни қўллаш;



– ўқув жараёнини компетентлик асосида таъминлайдиган таълим муассасасининг етарлича моддий-техник базаси (чет тилларни ўқитиш сифати, ўқув жараёнининг ахборот ресурслари билан таъминланганлиги, лаборатория асбоб-ускуналар мавжудлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар учун ўз таркибида амалий йўлланган маълумотлар билан таъминланган ўқув-услубий мажмуалар, модуллар, адабиётлар, ўқитишнинг техник воситалари компьютерлар, электрон сайтлар в.б.) мавжудлиги.

Бундан қўзланган асосий мақсад: таълим олувчиларни юксак тайёргарлик даражаси, рақобатбардошлиги, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи ҳамда узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари асосида таълим сифатини ошириш; таълим муассасалари тузилмасини модернизациялаш ва таълим муассасаларида таълим соҳасида давлат сиёсатинининг принциплари асосида фаолият юритишга интилиш; таълим турларини (умумий ўрта, ва олий таълим) услубий кетмакетлигини таъминлаш, юқори ва инновацион технологияларни эгаллаган ва республикамизнинг реал иқтисодиётига чуқур базавий билимларга эга бўлган мутахассис кадрларни етказиб беришдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Махмудов Р.М., Душанов Р. Х. Педагогика: Маърузалар курси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 204 б.
2. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. Т.: «IQTISODMOLIYA» нашриёти, 2010,-312 бет.



ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЕ УМЕНИЯ ШКОЛЬНИКОВ ПРИ ВЫПОЛНЕНИИ ЛАБОРАТОРНЫХ РАБОТ ПО ФИЗИКЕ

Р.Х.ДЖУРАЕВ,

д.п.н., профессор, УзНИИПН, академик АН РУз

Статья посвящена актуальным вопросам формирования исследовательских умений обучающихся при выполнении физического лабораторного эксперимента в школе. В ней рассматриваются вопросы, связанные с содержанием экспериментальных учебно-исследовательских умений и этапами экспериментальной учебно-исследовательской деятельности, приводится пример организации исследовательской деятельности при выполнении лабораторной работы.

Ключевые слова: учебно-исследовательское умение, учебно-исследовательская деятельность, исследовательская лабораторная работа, экспериментальная оценка влияния силы трения.

The article is devoted to topical issues of formation of research skills of students in the performance of physical laboratory experiment in high school. It discusses issues related to the content of experimental educational and research skills and stages of experimental educational and research activities, provides an example of the organization of research activities in the performance of the laboratory work on mechanics developed by the author.

Key words: educational and research skills, educational and research activities, research laboratory work, experimental evaluation of the effect of friction force.

Практическая направленность обучения предполагает обучение не только теоретическим знаниям, но и деятельности по приобретению знаний и их применению на практике. Как сказано в законе об образовании, «важнейшими качествами личности становятся инициативность, способность творчески мыслить и находить нестандартные решения». В условиях усиления практической направленности обучения большое значение имеет учебноисследовательская деятельность, в процессе которой преобладает самостоятельное применение обучающимися приемов научных методов познания, поэтому они более активно овладевают знаниями и развивают свои исследовательские умения и способности.

Под учебно-исследовательским умением в широком смысле мы понимаем умение применять прием соответствующего научного метода познания к решению поставленной исследовательской задачи. При обучении физике широкие возможности для формирования учебно-исследовательских умений дает учебный физический эксперимент.

В структуре научного исследования можно выделить две стороны эксперимента. С одной стороны, он является связующим звеном между



теоретическим и эмпирическим этапами научного исследования. Другая сторона эксперимента заключается в том, что он принадлежит и к познавательной, и к практической деятельности человека, являясь, с одной стороны, формой и методом познания, а с другой, - одной из форм практики и критерием истинности знания. Использование физического эксперимента в обучении позволяет познакомить обучающихся с методами познания, проиллюстрировать проявление физических законов и закономерностей и сделать их более понятными, показать применение физических явлений в технике, повысить наглядность обучения и интерес к предмету.

К учебно-исследовательским умениям, формируемым в процессе деятельности по выполнению учебно-исследовательского эксперимента, мы относим следующие умения:

- анализировать факты, явления, их связи и отношения;
- видоизменять цель и формулировать (ставить) промежуточные цели;
- выдвигать предположение, строить гипотезу, предвосхищать результат;
- ставить задачи и планировать свою деятельность в соответствии с выстроенной гипотезой;
- анализировать метод и условия деятельности по проверке предположения;
- опровергать или доказывать гипотезу;
- интерпретировать полученные результаты;
- делать частные выводы и выделять общую закономерность.

Любые умения формируются только в деятельности. Структура и состав деятельности по выполнению учебного физического эксперимента впервые наиболее явно были определены в трудах А.В. Усовой и отражены в работах других ученых-методистов (А.А. Бобров, Е.С. Кодикова, В.В. Майер, В.Г. Разумовский, Е.С. Обьедков, М.И. Старовиков и др.).

В деятельности обучающихся по выполнению учебно-исследовательского эксперимента можно выделить следующие этапы и действия [1].

1. Подготовительный этап:

- выявление противоречия между наличным и требуемым уровнем знаний о предмете исследования;
- формулирование цели и задач исследования;
- выдвижение предположения (гипотезы) о результатах исследования;
- разработка метода решения задачи на основе имеющихся знаний: получение расчетной формулы; проектирование экспериментальной установки; выбор технических средств проведения и контроля эксперимента; определение состава контролируемых величин, способа и диапазона их изменения, последовательности измерений, необходимого количества опытов;



- прогноз-точности ожидаемых результатов.

2. Этап выполнения экспериментальных действий:

- сборка и наладка экспериментальной установки;

- проведение наблюдений и измерений;

- фиксирование полученных данных.

3. Этап обработки и интерпретации результатов измерений и наблюдений:

- расшифровка, математическая обработка полученных данных;

- анализ результатов (оценка точности и достоверности, классификация, обобщение, интерпретация);

- формулировка выводов, изложение результатов работы и их практической значимости.

Формирование исследовательских умений у обучающихся происходит в той или иной степени при выполнении любого лабораторного эксперимента, но первостепенную роль играют лабораторные работы исследовательского характера. К ним, в первую очередь, относятся работы, в которых достигается наибольшая познавательная самостоятельность обучающихся: от учителя они получают только тему, сами ставят вопросы, разрабатывают пути выполнения работы и самостоятельно получают результаты. Анализируя этапы деятельности по выполнению таких работ с дидактической точки зрения важно отметить, что уровень их сложности не одинаков.

В некоторых работах, где предполагается выполнение простого экспериментального задания, этапы постановки задач и планирования эксперимента полностью или частично «заменяются» постановкой «экспериментального» вопроса. Например: «Что покажет амперметр, включенный в различные участки цепи, при последовательном соединении проводников? при их параллельном соединении?»

Если в работе сформулировано только задание и необходимо провести достаточно сложное исследование, то ее выполнение предполагает проведение многоходовой исследовательской деятельности в полном объеме. Успешность выполнения такой работы во многом напрямую зависит от умения учителя косвенно управлять деятельностью обучающихся по выдвижению гипотезы, выстраиванию организационных и операционных действий по проведению эксперимента, проведению анализа результатов.

Отдельно необходимо остановиться на работах, в которых уже предлагается описание эксперимента, а обучающимся необходимо выдвинуть предположение о его результатах и проверить их на опыте. В ходе выполнения такой работы частично упрощен лишь этап планирования эксперимента, в остальном предполагается проведение обучающимися полноценной исследовательской деятельности. Во-первых, необходимо провести анализ предлагаемого эксперимента и



выдвинуть предположение о возможных результатах. Во-вторых, необходимо провести экспериментальную проверку. Далее предполагаются проведение анализа полученных экспериментальных результатов и формулировка выводов. Перечисленные действия дополняются вычислением погрешностей эксперимента и выявлением факторов, которые могли повлиять на его результаты, а, следовательно, исследованием метода и условий эксперимента. Такие работы в полной мере можно отнести к работам исследовательского характера.

После выполнения указанных заданий обучающиеся видят, что имеется большое расхождение экспериментальных результатов с «теорией». Поэтому они «вынуждены» провести анализ условий проведения эксперимента и высказать предположение о возможных причинах расхождения.

Предлагаем школьникам продолжить выполнение работы и перейти непосредственно к ее исследовательской части. Сначала обучающиеся формулируют цель: выполнить экспериментальную проверку влияния указанных причин. Далее в процессе обсуждения и поиска путей достижения поставленной цели обучающиеся приходят к постановке задач.

Выполняя исследовательскую работу школьники могут оценить достоверность полученных данных, выявить причины появления погрешностей, верно интерпретировать результаты функциональной связи между физическими величинами и в итоге прийти к пониманию невозможности осуществлять точные измерения физических величин.

Учебная деятельность в рамках лабораторного исследовательского эксперимента позволяет целенаправленно осуществлять формирование и развитие исследовательских умений обучающихся, а следовательно, решает задачу усиления практической направленности обучения. В конечном итоге это способствует развитию различных сторон творческой деятельности личности: видению новой проблемы в знакомой ситуации, видению структуры объекта и выделению его новых функции, поиску альтернативного решения, построению нового способа решения проблемы.

Литература:

1. Старовиков М.И. Экспериментальный метод познания в физике: Учебное пособие для учащихся старших классов школ и классов физико-математического профиля, школ и классов с углубленным изучением физики, www.som.fio.ru. 2003. 153 с.
2. Дик Ю.И., Кабардин О.Ф. и др. Физический практикум для классов с углубленным изучением физики: Дидакт. материал: 9-11 кл./ Под ред. Ю.И. Дика, О.Ф. Кабардина. М.: Просвещение, 1993. 208 с.



ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ШКОЛЬНОГО И ВУЗОВСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Н.А.ПУЛАТОВА,

ТГПУ, преподаватель кафедры «Зоологии»

Мазкур мақолада ҳозирги кундаги мураккаб вазифаларни ҳал қилишда умумтаълим мактаблари ва маълум касбга йўналтирилган олий ўқув юртлари ўртасида қилиниши керак бўлган этиборга сазовор бўлган методик ва дастурий масалалар устида чуқур мулоҳазалар келтирилган ва уларга эришиш йўллари санаб ўтилган.

Таянч сўз ва иборалар: узвийлик, дидактика, методология, тизими, би-лиш, интеллект, илмий-техникавий прогресс, нишлаб чиқариш, узлуксиз таъ-лим, интеграция, касбий таълим, дифференциация.

В статье обсуждаются проблемы преемственности школьного и вузовско-го образования в современных условиях. Ярко и доходчиво показано значение обще-го и высшего профессионального образования, выдвинут ряд важных вопросов, пути достижения значимых результатов при осуществлении непрерывности и преемственности, а также создания соответствующих учебных планов, как школьного, так и вузовского образования.

Ключевые слова: преемственность, дидактика, методология, система, по-знание, интеллект, научно-технический прогресс, производство, непрерывное об-разование, интеграция, профильное образование, дифференциация.

The article discusses the problems of succession of school and university education in modern conditions. Clearly and lucidly shown the value of general and higher professional education, put forward a number of important issues, ways to achieve significant results in the implementation of succession and continuity, as well as the creation of appropriate curricula, both in school and university education.

Key words: continuity, didactics, methodology, system, cognition, intellect, scientific and technical progress, production, continuous education, integration, specialized education, differentiation.

Проблема преемственности школьного и высшего профессионального образования для педагогической науки не нова. В зависимости от подходов к ее анализу, преемственность определяется как методологический, педагогический или дидактический принцип. Известны трактовки преемственности как формы связи между элементами системы обучения, общепедагогической закономерности или педагогического условия образовательного процесса. Пре-



емственность нередко рассматривается и как один из аспектов таких дидактических принципов, как систематичность и последовательность обучения.

Несмотря на наличие многочисленных исследований, в которых раскрывается суть этой проблемы, анализируются пути ее решения, в практике до сих пор существует разрыв между школьным и вузовским образованием. Преподаватели вуза хорошо знают, какие трудности испытывает вчерашний школьник, оказавшийся на студенческой скамье, как трудно ему адаптироваться к новым формам организации учебного процесса и методам обучения, требованиям к его результатам. По-прежнему имеет место значительная несогласованность и в содержании, и в методах, и в средствах обучения в школе и в вузе. Существенно различаются характер и способы познавательной деятельности студента и школьника. Причин этому много, назовем только главные: недостаточная преемственность школьного и вузовского образования, неготовность выпускников школы к новым видам учебной деятельности, несформированность ряда общеучебных, общинтеллектуальных умений и навыков. Конечно, это можно объяснить недоработкой школы, несогласованностью требований к выпускникам школы и абитуриентам вуза и другими недостатками практики обучения. Но надо отметить, что долгое время не было и надлежащих условий для реализации ряда обоснованных педагогикой путей и средств осуществления преемственности между этими двумя ступенями образования.

Попробуем проанализировать, какие новые факторы следует учитывать в исследовании проблемы преемственности и определить возможности для ее эффективного решения на практике.

Роль образования на современном этапе определяется задачами перехода Узбекистана к демократическому государству, рыночной экономике, необходимостью преодоления опасности ее отставания от мировых тенденций экономического и социального развития. Иначе говоря, образование во многом рассматривается сейчас как «локомотив» социальных и экономических изменений. Этот социальный заказ обращен ко всем звеньям образования и, прежде всего, к общему среднему и вузовскому, т.е. к тем его ступеням, где в основном и происходит становление личности молодого человека. Развивающемуся обществу нужны современно образованные, нравственные, предприимчивые люди, которые могут самостоятельно принимать решения, прогнозируя их возможные последствия, отличаются мобильностью, способны к сотрудничеству, ...обладают чувством ответственности за судьбу страны, ее социально-экономическое процветание. Этот новый аспект функций и целей образования, общий для школы и вуза, является важным фактором их интеграции, условием оптимизации их преемственности.

Уже в ближайшие годы образование в нашей стране во многом станет



другим. Новые вызовы цивилизации закономерно приводят многие страны к «образовательному буму», и Узбекистан не может и не должен оставаться в стороне от общемировых тенденций. Важнейшие из них - переход к системе «образование через всю жизнь», усиление вариативности образования на всех ступенях, стремление к большей практической ориентации результатов обучения, информатизация. Все эти тенденции тесно связаны друг с другом, реализация любой из них является условием реализации остальных.

На стыке второго и третьего тысячелетий развитие цивилизации характеризуется переходом от индустриального к информационному обществу. Этот этап предполагает не только принципиальное изменение структуры общественного разделения труда, перенос центра тяжести из области материального производства в область информационных процессов и технологий, но и становление новой системы образования.

Переход к непрерывному образованию создает новые условия для реализации преемственности школьного и вузовского образования и существенно актуализирует эту проблему. Важнейшим условием эффективного решения задачи построения системы непрерывного образования является обеспечение преемственности ее ступеней. В этой связи необходимо сразу отметить роль взаимосвязи общего и профессионального образования. Долгое время первое понималось лишь как звено образования, предшествующее профессиональному и являющееся его базой. Перелом в понимании этой проблемы произошел только тогда, когда общее образование стало рассматриваться как сквозная линия всей системы непрерывного образования, ступень, предшествующая профессиональной подготовке. Такой подход значительно меняет и взгляд на проблему преемственности общего и профессионального образования, открывает новые аспекты и направления ее разрешения. В частности, во многом сближаются цели общего и профессионального образования.

Переход к непрерывному образованию повлечет за собой изменения в традиционной методической системе обучения в школе и вузе. Прежде всего увеличится продолжительность и усилится значимость этапов самообразования в общей системе обучения. Имеется в виду не только удовлетворение индивидуальных познавательных интересов в системе повышения квалификации или дополнительного образования, но и существенное возрастание объема самостоятельной учебной работы студентов и школьников. В этих условиях особое значение приобретут средства информационных и телекоммуникационных технологий обучения. Фактически возникает необходимость создания новой среды обучения, ориентированной на самостоятельную работу, развитие творческих способностей учащихся.



Таким образом, при переходе к непрерывному образованию актуализируется задача формирования навыков самостоятельной познавательной и практической деятельности обучаемых. Основой и целью учебного процесса становится не только усвоение знаний, но и овладение способами этого усвоения, развитие познавательных сил и творческого потенциала личности.

Ведущую роль в интеграции методов, организационных форм и средств обучения школьного и вузовского образования могут сыграть новые информационные и коммуникационные технологии, внедрение которых - одно из важных направлений модернизации отечественного образования. Дистанционное обучение, электронные учебники, новые информационные среды, учебные телеконференции и другие ресурсы Интернет - все это можно использовать в процессе обучения и в вузе, и в школе. В результате возникает во многом единая для разных этапов среда обучения и специфика деятельности.

Тарбия жараёни шунчалик мураккабки, ота-оналар ва фарзандлар ўртасида тез-тез учраб турадигани – бу ота-оналарнинг фарзандларини тушунмай қолишлари ёки тушунишни хоҳламасликлари, қайсарлик, инжиқлик ҳолларидир. Бунинг сабаби нимада? Сабаби энг аввало, оилада ота-онанинг атроф-муҳитга, фарзанддаги физиологик, биологик, психологик ўзгаришларга, мактабдаги психологик вазиятларга ҳам боғлиқ бўлади.

Мактаб билан оиланинг ўзаро ҳамкорлиги қандай жараёнларда ва хатти-ҳаракатларда намоён бўлади?

а) ота-оналар мажлисида;

1 Султонмурод Олим. Оила ва жамият ёхуд микрожамият ва макрооила. Т., 2017 йил. – 15-бет.



б) мактабда ўқувчи билан боғлиқ бирор-бир муаммо юзага келганда;
в) мактаб миқёсида ўтказиладиган турли туман ижтимоий тадбирларда.

Ўзбекистон Республикасида оила ўртача 4-4,5 кишидан таркиб топган. Демак, бизда жами 7,5-8 миллион оила бор. [1.15]¹ Оиланинг таълим тизимида ўқувчи тарбиясига ҳам таъсири бор, яъни, таълим тизимида бўладиган баъзи бир салбий ҳолатларнинг олдини олишга яқиндан ёрдам беришмоқда, масалан, (ота-оналар фондининг ташкил этилишига қарши фикрларнинг мажлисларда кўтарилиши, мактабни таъмирлашга пул йиғишлар, пулларнинг харажати бўйича ота-оналар ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам бўлиб туради, ота-оналар пуллар сарфланганлигининг ҳисоботини талаб қилишади). Аслида, мактаб фондини ташкил этиш давлатимиз томонидан ман этилган, лекин баъзи ота-оналарнинг ташаббуси билан баъзан мактабларда ташкил этилмоқда.

Ота-оналар фарзандларини икки хил усулда дарс тайёрлашга ўргатишади. Биринчи усул ҳар куни бугун ўтилган барча фанлар бўйича уй вазифасини уйда бажариб боришлари бўлса, иккинчиси эса, ўтилмаган дарсга олдиндан тайёр бўлиб бориш. Мана шундагина ўқувчилар дарс тайёрлашнинг охирида эртанги бўладиган фанлар бўйича дафтарлар сумкалар (папкалар)га солиб қўйилади. Мана шу дарсга муносабат усулларини мактаб ўқувчилари орасида оммалаштириш бизнингча давр талабидир.

Фарзанд тарбиясида мактаб ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги норасмий муносабатларга асосланади, лекин ўқувчиларнинг комил инсон бўлиб шаклланишида иккала томон – ота-оналар ва педагоглар жавобгардирлар.

Мактаб ўқувчиларининг комил инсон бўлиб шаклланишининг мезонларидан бири бу уларнинг жамоат ишларидаги фаол иштироки, Ёшлар иттифоқига аъзолиги, оиладаги тарбиясида намоён бўлиб боради. Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда ўзбек тилида фарзанд тарбиясига бағишланган кўплаб қўлланмалар, тавсияномалар чоп этилмоқда [2.29,185]. Ундан ташқари, таълим тизимида “Халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилинса... айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминлансин” [3], дейилган. Касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган жамоат ишлари деганда нималар назарда тутилаётганлигини барчамиз тушунамиз.

Комил инсонни шакллантиришда фарзанд тарбиясига асосий муаммо сифатида қаралар экан, мактаб ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги эпизо-



дик характерга эга бўлмасдан, балки тизимли характерда бўлишига ҳар томонлама ёрдам берилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Айниқса, мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигида ота-оналарнинг роли катта, бу ўринда эркак киши яъни, отанинг ролини ва ўрнини юқори даражага кўтариш орқали ўзаро ижтимоий ҳамкорликни тўғри йўлга қўйишимиз ҳеч кимга сир эмас.

Фарзандларимизни комил инсон бўлиб шаклланишини хоҳлар эканмиз, энг аввало фарзандлар тарбиясида ота-оналар ва мактаб ўқитувчилари ҳамкорлигининг бир мақсадга қаратилиши муаммонинг ўзигини топишга хизмат қилади. Комил инсонни тарбиялашда “ҳалоллик” тушунчаси мавжуд бўлиб, ушбу “ҳалоллик” ўқувчиларда, энг аввало, дарс тайёрлашга юзаки қараш эмас, балки жиддий ёндошиш, дарсга кечикмаслик, дарсни, ўқишни муқаддас билиш орқали шаклланади. Мактаб ўқувчиларининг виждони уларнинг тарбияланганлигининг мезони ҳисобланади.

Комил инсонни тарбиялашда ёки тарбияланишида ота-оналарнинг бирга, тинч, бир-бирини тушуниб яшашлари ижобий муҳитни юзага келтиради. Ота-оналар ўртасидаги жанжал, келишмовчилик, бир-бирига қўрслик ҳар қандай ёшдаги болаларни, жумладан, мактаб ёшидаги болаларнинг психикасига, келажагига ўзининг таъсирини кўрсатади. Масалан, И.Б.Хушмуродова томонидан 2017 йилнинг кузида Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятларининг туманларида яқин орада ажралган 58 та оилалар фарзандларининг турмуш тарзи ҳамда ҳаёти ўрганилган. Мазкур оилалардаги 4-6 ёшли мактабгача давр ёшидаги, 12-14 ёшли ўсмирлар ва 15-17 ёшли илк ўспиринлар билан узоқ муддат мобайнида (2017-2018 йилларда) суҳбатлар ўтказилган. Сўровда қатнашган 142 та болаларнинг қарийб барчаси ота-оналарининг ажралиши вақтида ўткир эмоционал ҳолатни бошдан кечиришган. Ушбу болаларнинг маълум бир қисми бундай фожеада ўларини айбдор деб ҳисоблаб юришган, 12-14 ёшдаги ўсмирларнинг 69 тасида яъни 48,6 фоизда ота-оналарининг ажралиши натижасида уларнинг хулқида қўполлик, қўрслик аломатлари кузатилган. 15-17 ёшдаги ўспиринларнинг 57 нафари ота-оналарининг ниятларини тушунишсаларда, лекин уларнинг ажралиши натижасида уларнинг хулқида қўполлик аломатлари кузатилган. Уларнинг 40,1 фоизда ғазабланиш ва агрессивлик кузатилган [4.168].

Демак ота-оналарнинг ажралиши ота-она учун муҳим шахсий муаммо бўлиши мумкин, лекин фарзанд келажаги ва соғлиғи учун ўта нохуш ҳолатдир. Сўровномадаги болаларнинг 1/3 қисми ёлғизлик ва яқин одамларини йўғотиш қайғусида ўз ҳаётларидан қониқмаганликларини айтишди. Ота-оналар ажралишининг натижалари фарзандларининг мактабдаги



ўқишларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Фарзанд тарбиясининг ижобий натижалари ота-оналарнинг обрўси мактабнинг обрўсидир. Фарзандларимизнинг асосий вақти аввало оилада, кейин мактабда ўтади. Фарзандларимизни тарбиялашда ота-оналар ўртасида, айниқса мактабдаги ота-оналар мажлисларида тарбия ва ўқитиш муаммолари бўйича тажриба алмашишмоқда. Тарбия қуруқ сўз ёки шiorга айланиб қолиш керак эмас, тарбия ахлоқий ва жонли хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир. Ота-оналарнинг ўқитувчилар билан бўлган учрашувларида айтилган фикрлари, айниқса қимматлидир. Ушбу учрашувлар орқали ота-оналар ўз фарзандларида мавжуд бўлган лекин ўзлари билмаган хислатларни билиб олишадди. Шунинг учун болаларининг тарбиясига бефарқ бўлмаган ота-оналарнинг оиласи мактаб ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилади. Фарзандлари мактабни тамомлагунча ота-она мактаб билан, синф раҳбари билан яқиндан алоқада бўлиб туришлари, зарурат туғилганда боланинг ўқиши, одоби, хулқи, мактабда ўзини тута билиши ҳақидаги маълумотларни ота-оналарга етказиб боришлари зарур. Фарзандлари (баъзи оилаларда 3 тадан фарзанд мактабда ўқийди) мактабга борган ота-она мактаб жамоасининг аъзоси бўлиб қолиши керак.

Комил инсоннинг шаклланишига нафақат мактаб, оила масъул, шунингдек, барча бирдек масъул бўлишини давр талаб этмоқда, энг асосийси, ҳар бир инсондан хафсала қилиш талаб этилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Султонмурод Олим. Оила ва жамият ёхуд микрожамият ва макрооила. Т., 2017 йил. 15-бет.
2. Билолова З.Б. Фарзандингиз нимани истайди. 2-қисм. (ота-оналар учун қўлланма) Т., 2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3907-сон Қарори, 14.08.2018 йил.
4. Оиланинг ижтимоий-демографик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. Т. 2018 йил 26 сентябрь.
5. Фарзанд тарбиясида отанинг масъулияти, вазифаси, мажбуриятлари. Муаммо ечим. Республика илмий-амалий анжумани. “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази. Т., 2018 йил 3 август.



ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИК ВА ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНЦИЯ

Д.ОРИББОЕВА,
НамДУ ўқитувчиси

Компетентлик тузилмасида ижтимоий компетентликка алоҳида ўрин берилган бўлиб, у ўзида турли ҳаётий соҳалардаги ижтимоий ҳамкорликка бўлган қобилият ва ижтимоий мослашувчанликни акс эттиради. Ижтимоий компетентлик асосини жамият, ундаги ҳуқ-атвор усуллари ва қоидалари ҳақидаги билимлар ташкил этади.

Таянч сўз ва иборалар: таълим тизими, ижтимоий компетенция, компетентлик, ўқувчи шахси, узлуксизлик ва узвийлик.

В структуре компетентности уделяется особое место социальному партнерству и отражает социальную адаптацию и способности к социальному партнерству в различных жизненных отраслях. Основу социальной компетентности составляют знания об обществе способах и правилах поведения в нем.

Ключевые слова: система обучение, социальное компетенция, компетентность, личность учащихся, непрерывность и преемственность.

In the competence structure, social competence has a special place that reflects the ability and social flexibility of social partnership in various life spheres. Social competence includes knowledge of the basic society, its behavioral patterns and rules.

Key words: learning system, social competence, competence, personality of students, continuity and continuity.

Жамият тараққиётининг замонавий босқичлари инсон ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳаларидаги тез суръатларда кечадиган инновацион ўзгаришлар билан характерланади. Ҳозирги кунда жамият ва давлатга тез ўзгарувчан социум(жамият)га ижтимоий мослашувчан, фаол, ижодкор, ҳатти-ҳаракатларнинг универсал усулини эгаллаган кишилар зарурлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги таълим тизимида ҳозирги давр талабига жавобан, таълимга компетентли ёндашув ғоясини ишлаб чиқилган ва уни таълим масканларига жорий этишга ҳаракат қилинмоқда. Компетентлик тузилмасида ижтимоий компетентликка алоҳида ўрин берилган бўлиб, у ўзида турли ҳаётий соҳалардаги ижтимоий ҳамкорликка бўлган қобилият ва ижтимоий мослашувчанликни акс эттиради. Ижтимоий компетентлик – мураккаб тушунчалардан бири ҳисобланади.

Компетентлик – таълим натижасида ва ўқувчининг маълум бир



таъсир предметига нисбатан эгаллаган фаолият усуллари жамланмасида ифодаланади. Мазкур таълим натижасининг аҳамияти шундан иборатки:

а) фаолиятнинг муайян усулини эгаллаш орқали, ўқувчи фаолият кўрсатиш тажрибасини ўзлаштиради (бу ерда гап «фаолиятни бажариш қобилияти» ҳақида эмас, балки «фаолият усули» ҳақида боради):

– ўқувчилар томонидан мақсадни ўзлаштириш, ўз фаолиятини бошқариш жараёнини англаб етиш;

– билим, кўникма, малака, установкалар ва қадриятлар интеграцияси (қўшилиши), чунки фаолиятни тақлид орқали (саъй ҳаракатдан фарқли равишда) эгаллаш мумкин эмас;

б) шахсий «ресурс пакет» шаклланади, бу ўз-ўзини бошқаришдан кейинги «қобиқ» саналиб, компетентлик учун муҳим ўрин тутди;

с) компетентлик таълим натижаси сифатида алоҳида қийматга эга бўлиб – эгалланган фаолият усуллари жамланмаси, ижтимоий кутишлар ҳосиласидир ва у ўқувчига типик вазиятларда кўмакчига айланади;

д) айнан эгалланган фаолият усуллари жамланмаси, иш берувчиларнинг сўров предмети ҳисобланиб маълум бир вақтда долзарб аҳамият касб этади, сўнгра ижтимоий-иқтисодий вазият ўзгариши билан тузатиш киритилиши мумкин.

Ижтимоий компетенция — ижтимоий малакалар (мажбуриятлар) ҳисобланиб, кишига жамият ҳаётидаги нормалар ва қоидаларни адекват (ўзаро мос) тарзда бажариш имкониятини беради. Ижтимоий компетентлик асосини жамият, ундаги хулқ-атвор усуллари ва қоидалари ҳақидаги билимлар ташкил этади. Мактаб ўқувчиси учун жамият, кенг (дунё, мамлакат) ва тор (оила, мактаб, маҳалла) даврада акс этади.

Ўқувчининг ижтимоий компетентлиги турли маълумотлар оқимидан хабардорлиги орқали аниқланади. Бу ерда сўз фақат, дунё, мамлакат, минтақа, ижтимоий институтлар ҳақидаги маълумотлардан боҳабарлик тўғрисида эмас, балки кишиларнинг ўзаро биргаликда фаолият кўрсатиш хусусиятлари, анъаналар, хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари ҳақида кетади. Шунинг учун, ижтимоий компетентликни ривожлантиришнинг муҳим йўлларида бири, болада ўзини ўраб турган кишилар билан биргаликда ҳаракат қила олиш, ўзини тутиш усулларига



доир билимларни шакллантиришдан иборат. Ижтимоий компетентлик тузилмасидаги билим, кўникма ва малакалар жамланмасига эътибор берган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг ўзи ижтимоий компетент хулқни таъминлай олмайди. Компетентликни янада кенгроқ маънода изоҳлаш, яъни билимларни зарур вазиятларга боғлай олиш имкониятлари, муаммоли жараёнини ҳис этиш қобилиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий компетентлик – бу:

- ҳаётга мослашганлик,
- ўзгарувчан шарт-шаротларга мослашувчанлик кўникмаси, турли-туман вазиятларда ўзини йўқотмаслик, турли жамоаларда фаолият кўрсата олиш;

- масъулиятли танловни амалга ошириш қобилияти.

Ижтимоий компетентлик компонентлари:

- жамиятдаги ижтимоий институтларнинг тузилиши ва фаолият олиб боришига доир билимлар;

- ижтимоий ролга қўйилган талаблар ва кутишларга оид билимлар;

- ижтимоий ролга хос бўлган хулқни эгаллаш малакаси;

- умуминсоний нормалар ва қадриятларга оид билимлар;

- кишининг ўзи ҳақидаги тасаввурлари, ўзини ижтимоий субъект сифатида идрок этиш;

- самарали ижтимоий ҳамкорлик кўникмалари ва малакалари.

Боладаги шахсий тузилмаларнинг шаклланганлик даражаси ижтимоий адаптация (мослашиш)га кўмаклашади ва бу ижтимоий кўникмани ҳосил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анастаси А. Психологическое тестирование в 2-х книгах. М., 1982.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. М., Аспект пресс, 1996.
3. Анури В.Ф. Интеллект и социум. Введение в социологию интеллекта. Н. Новгород, издательство Н-городского университета, 1997.
4. Белицкая Г.Э. Социальная компетенция личности // Сознание личности в кризисном обществе. М., 1995.



ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

З. А. ХОЛМАТОВА,

Қўқон ДПИ катта ўқитувчиси доцент

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг муомала маданиятини ривожлантириш йўллари ва ўқувчини ишонтириш, унинг онгига таъсир этиш ҳамда таҳлид қилиш кўникмаларини шакллантиришга оид педагогик маҳоратни қўллаш тажрибаси ҳақида фикр юритилган. Муаллиф фикрича, ўқитувчи маҳоратининг учта жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади: ҳаётий тажрибаси; педагогик фаолият жараёнида эгаллаган кўникма ва малакаси; муайян ўқувчилар жамоаси билан муомалада бўлиш тажрибаси.

Таянч иборалар: мулоқот маданияти, педагогик мулоқот, ўқувчининг идеали, психологик билим.

В статье освещены пути развития культуры общения учащихся начальных классов охарактеризован опыт применения учителями педагогико-психологического мастерства с целью воздействия на сознание учащихся и формирование у них навыков подражания правильной речи. По мнению автора уделяется внимание на три основных навыков преподавания: жизненный опыт, знание и навыки освоенные в педагогической деятельности.

Ключевые слова: культура речи, педагогическое общение, идеал ученика, психологическое знание.

Article highlights the ways of development of communicative abilities in primary school pupils describes the experience of teachers applying pedagogical and psychological mastery with the aim of influencing the consciousness of students and forming their skills in imitating correct speech. According to the author, consideration given to the three main teaching skill: life experience, knowledge and skills acquired during pedagogical activities.

Key words: speech culture, pedagogical communication, student's ideal, psychological knowledge.

Мустақилликдан кейин амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотлар туфайли улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Одамларнинг онги, дунёқараши ўзгарди. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутди. Маскур ижтимоий талабнинг амалга оширилишида, ҳар бир фуқаронинг билим олишида, ижодий қобилиятини шакллантиришда, интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришда ўқитувчининг мулоқот маданияти ва муомаласи муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун таъкидлаш жоизки, педагогик касбга нисбатан талаб ва жавобгарлик ҳам кучайди, ўқитувчиларнинг жамият олдидаги вазифалари янада ошди. Буюк маънавиятимизни тиклаш ва



янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш, уни жаҳон андозлари даражасига чиқариш, ўқувчиларда мустақил ва эркин фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш каби вазифаларга жавобгарлик ҳисси ўқитувчилар зиммасига юклатилди.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, *«Ёш авлоднинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларининг асосий шартини мезонини бўлиши керак... бутунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий ақамият касб этади»*. Бу вазифаларнинг бажарилишига, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг асосий амалга оширувчиси бўлган ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро муомалага киришиш маданияти орқали эришилади. Ўқувчи маънавий муҳитининг шаклланиши ўқитувчиларнинг юксак ахлоқ намунаси орқали намоён бўлади. Бу ўринда ўқитувчининг шахсий ва ижтимоий ҳаракати педагогик мулоқот маданияти замирида шаклланиб, такомиллашади.

Педагогик мулоқотда ўқитувчининг энг яхши фазилатлари ва хатти-ҳаракатлари ўқувчининг идеали сифатида намоён бўлади. Ўқувчининг ўқитувчи шахси ҳақидаги қарашлари, унинг хатти-ҳаракати, педагогик маҳорати, унинг маънавий маданиятига мос келмаса, яхлит педагогик жараёни мукамал ташкил этиш ҳам ижобий натижалар бермайди. Ўқитувчи субъекти билан ўқувчи объекти ўртасидаги қаттиқ авторитар интизом ҳам ўзаро мулоқот маданиятига салбий таъсир этади, натижада ўқувчининг ички ҳиссиёти ҳамда шахсий фазилатлари ривожланмайди.

Педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи фаолиятини муваффақиятга йўналтирувчи энг муҳим восита, бунда ўқитувчининг муҳим фазилати, унинг мулоқот маданиятига асосланган муомаласидир. Муомала барча фалсафий ва психологик фанларда ўзига хос таърифга эга. Педагогиканинг категорияси сифатида муомала ўқувчилар қалбига йўл топа олиш, уларга ёндашиш учун меҳрини қозониш, педагогик нуқтаи назардан таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан ўзаро алоқа боғлашга қаратилган ўқитувчининг педагогик қобилиятидир.

Ўқитувчи ўқувчилар билан муомалага киришиш асосида:

1. Ўз ижодкорлигини ва педагогик маҳоратини намойиш қилади.
2. Ёш авлодни миллий мафкурамиз ва миллий маданиятимиз руҳи-



да тарбиялайди.

3. Шарқона удум ва урф-одатларимиз асосида баркамол шахсни шакллантиради.

4. Ўзининг таълим-тарбиявий имкониятларини намоёиш этган ҳолда, ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топади.

Муомала ўқитувчи фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўзида улкан педагогик имкониятларни мужассамлаштиради. Педагогик муомалада ўқитувчи қуйидаги фаолиятга қатъий амал қилиши лозим:

– ўқитувчида тарбиялаш маҳоратининг шакллانганлиги. Унинг тарбиявий жараёнга оид сўз ва оҳангни танлай билиши ва таъсир ўткази олиши;

– муомала объекти бўлиши ўқувчилар диққатини жалб қилувчи нутқ, пауза, ҳаракат, имо-ишораларни ўз ўрнида ишлатиши, тарбиявий таъсирни билиши;

– ўқувчиларнинг ички руҳиятини, психологик хусусиятларини билган ҳолда муомалага жалб этиши, дарсни бошлашдан олдин ўқувчиларни таълим ва тарбиявий мулоқотга тайёрлаши;

– ўқувчиларга оғзаки, ўзаро таъсир кўрсатишнинг тарбиявий усуллари билиши. Ўқитувчининг нутқи равон, ўқувчилар онгига ижобий таъсир қиладиган бўлиши.

Ниҳоят, ўқитувчининг ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадикки, у ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабабларни турли вазиятларда пайғаб олади, бунинг учун намуна сифатида унинг ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвор усулларида фойдаланади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбияни бошқариш воситаси сифатида қаралиб, бирлаштирувчи ҳамда ўрнини тўлдирувчи вазифасини бажаради. Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала педагогик фаолиятдан олдин содир бўлади.

Педагогик мулоқот ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўзаро ахборот алмашиш жараёни вазифасини бажаради. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида бевосита ўз тарбияланувчилари, умуман ўқувчилар жамоаси ҳақида, унда рўй бераётган турли ички ҳодисалар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотларга эга бўлади ва ўзининг келгуси таълим-тарбиявий режаларини ҳамда педагогик фаолиятини белгилайди. Шу билан бирга, ўқитувчи мулоқот асосида ўз тарбияланувчиларига маълум бир мақсадга қаратилган ахборотлар тизимини маълум қилади. Бунда ўқитувчи томонидан йўл қўйиладиган арзимас бир хатолик, адолатсизлик, қўполлик ўқувчилар билан ўзаро мулоқот маданиятининг бузилишига сабаб бўлади ва тузатиб бўлмайдиган оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро мулоқот маданиятига эришиши натижасида қуйидаги ҳолатлар пайдо бўлади:



– педагогик мулоқот орқали ўқитувчи тарбияланувчи объект билан ўзига хос муомала муҳитини яратади. Бундай муҳитда ўқитувчи ўзининг психологик, миник, пантомимик, нотиклик санъати, таъсир ўтказиш каби қобилиятлар тизимини намоёйиш этади;

– ўқитувчининг ширинсуханлиги, очиқ чехралли бўлиши, самимий муомаласи мулоқотда ижобий натижаларга эришиш калитидир;

– ўқувчилар жамоаси билан муомалада ўқитувчининг доимо психологик билимларга таяниши таълим-тарбиявий фаолиятда бир хил мувозанатни сақлайди;

– ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан ўзаро мулоқотга киришар экан, яхши муомаласи билан улар ҳиссиётида яширинган энг нозик қатламларни ҳам англаб олишга қодир бўлади.

Мукаммал шаклланган педагогик мулоқот маданияти асосида объект ва субъектнинг ички ҳиссиёти билан улар ҳаракатларининг уй-ғунлашуви содир бўлади. Ушбу ўзаро уйғунлашувни юзага келтирадиган муомаланинг асосий боғловчиси сўздир. *Сўз – мазмунан ўқитувчининг нутқида, маърузасида, диалог, монолог ва декламацияларида ўз ифодасини топади.*

Педагогик мулоқот маданияти воситасида ўқитувчи ҳар қандай ахборотни қараб чиқар экан, ўқувчиларнинг шахси ва психологик хусусияти ҳақидаги ахборотларнинг муҳимлигини алоҳида эътиборга олиши лозим. Педагогик мулоқот маданияти, ўқитувчини ғоят хилма-хил шароит ва кўринишларга мослашишига имконият яратади. Булар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмасада, ўқувчилар ички дунёсида содир бўлаётган, уларни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишларининг аломатларини билиб, таълим-тарбиявий фаолият олиб боради.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ички дунёсини тушуниб, мулоқотга киришиши лозим. Ўқитувчининг мулоқот маданияти асосида гапирадиган ҳар бир сўзи, фикри, турли ҳодиса ва жараёнлар ўқувчилар томонидан ҳар хил кўринишда тушунилади, бу ўқувчининг фикр мулоҳазасига, ички дунёсининг теранлигига, тафаккури ва дунёқарашининг кенглиги билан изоҳланади, бунда ўқитувчи маҳоратининг учта жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади: ҳаётий тажрибаси; педагогик фаолият жараёнида эгаллаган кўникма ва малакаси; муайян ўқувчилар жамоаси билан муомалада бўлиш тажрибаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа қонцернининг Бош таҳририяти.- 1997. -37 б.
2. Кемеров В. Е. Взаимодействие // Современный философский словарь / Под общей ред. В. Е. Кемерова. – 2-е изд., испр. и доп. –1998. – С. 135 – 136.
3. Бахтин М. М. К философии поступка // Философия и социология науки и техники: Ежегодник. 1984–1985. - М., 1986. - С. 82 – 160.



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЮРТИДАН ТАШҚАРИДАГИ ИЖТИМОЙ МУХИТНИНГ ЁШЛАРГА ПЕДАГОГИК ТАЪСИРИ

М.Р.АЛИЖОНОВА,

ЎзПФИТИ мустақил изланувчиси

Мақолада оилавий ва таълимий қадриятларни тартибга солишда оиладаги турмуш тарзи, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги, уни ўзига хос хусусиятлари ва тарбиявий имкониятларга эга ижтимоий институт, анъанавий ижтимоий кичик гуруҳ сифатида маҳалла, оилавий ва таълимий қадриятлардан фойдаланишнинг таълимий имкониятлари ахамияти ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: маҳалла, оила, қадрият, ҳамкорлик, узлуksизлик, таълим-тарбия, музейлар.

В статье описана педагогическая необходимость использования семейных и образовательных ценностей в процессе упорядочения семейных ценностей, образа жизни в семье, сотрудничество семьи, школы и махаллы, его особенности, а также махалла была рассмотрена в качестве социального института и традиционной социальной малой группы, имеющая образовательный потенциал.

Ключевые слова: махалла, семья, ценность, сотрудничество, непрерывность, образование и воспитание, музеи.

The article shows main properties of the family life style, partnership of the family, school and makhalla the process of the regulation family values, pedagogical importance of the using familiar and educational values traditions, also makhalla researched as a social institute and traditional social small group with breeding potential.

Key words: Makhalla (local committee of the citizens), family, value, partnership, education and breeding, museums.

Бизнинг давлатимизда 1990 йилларнинг бошидан бошлаб ёш ўғил ва қизларда ҳар томонлама шаклланиши, ёшларнинг баркамол ўсишлари, уларнинг мустақил фикрлаш ва кўра олиш қобилияти ва Давлати келажагини ўз қўлига олиш имкониятини шакллантириш масқадида олдингидан тубдан фарқ қилувчи янги таълим тизинини қуришга киришилди.

Бу жараёнда маҳалла институти муҳим ўринни эгаллайди. Маҳалланинг таълим олиш, шунингдек, болалар ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий, илмий ва жисмоний тарбияси, таълим муассасаларининг ота-оналар ва оилалар билан ўзаро яқин алоқаларини таъминлашдаги ўрнини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш ва йўللари ишлаб чиқиш ўзига хос ноёб кўринидаги кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини (1997 йилги) ни эслатиб юборади. Бугунги кунда маҳалла – бу ўзига



одамларнинг яшаш жойига қараб ўзига хос бирлашмаси ҳисобланиб, у нафақат бой тарихга эга бўлиб, балки маънавий маркази, миллий анъаналар ва ахлоқий қадриятларнинг бешиги ҳисобланади. Маҳалланинг умуминсоний қадриятларни, кўпмиллатли ўзбек халқининг маданиятни, ҳаёт тарзини, фикрлаш ва маънавиятини авлоддан авлодга ўтказиш ва сақлашдаги ўрни ва аҳамияти қар доим етарлича баҳоланмай келган.

Мустақиллик йилларида маҳалланинг баркамол ёшларни тарбиялашдаги иштирокини таъминлаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 3 февралдаги Фармони ва унинг шарҳида, “Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йиғинлари ва унинг маслаҳатчиларни сайлови тўғрисида”ги Қонунларнинг янги таҳририда ўзининг давомийлигини топди. Юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларда ёшларни Ватанга муҳаббат ва халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш зарурият ҳақида гап кетади.

Ўзбекистонда бир қанча муддатдан буён асрлар давомида сайқаланган, анъанавий қарашлар ва менталитетга асосланган тарбия тизими мавжуд. Қўшниларнинг бирлашмаси сифатида маҳалла ўзида ҳам ҳудудий, ҳам ижтимоий тушунчани акс эттиради. Шу туфайли маҳаллани такрорланмас, ўзига ҳос ижтимоий институт ёки махсус кичик гуруҳ сифатида энг муҳим миллий қадрият эканлиги айтиш мумкин. Маҳалланинг фаолиятида табиий ва бекамукўст, одатий ҳаёт тарзида бундан олдинги қисмда айтиб ўтилган педагогик тамойилларнинг амалга оширилиши аён бўлади. Бу қуйидаги кучларнинг таъсири натижасида амалга ошади:

Маҳалла ўзига хос хусусиятлар ва тарбиявий имкониятларга эга ижтимоий институт ва анъанавий ижтимоий кичик гуруҳ бўлиб, у халққа энг яқин ҳисобланади.

У жамият ҳаётининг қисмларга ажратилган ҳолда ташкилланиш шакли ҳисобланиб, унда барча оилалар вакиллари бир-бирини танишади, бу эса ўз навбатида биргаликда ишлаш, умумий манфаатларнинг мавжуд бўлиши ва аҳолининг ҳар бир вакилини тарбиявий, меҳнат, ижтимоий, хайрия, экологик, бўш вақтни ташкил қилиш каби турлича соҳаларга самарали фаолият олиб бориш учун жалб қилинишига имконият яратади.

Маҳалла фаолиятининг ўзини-ўзи бошқариш, уюшганлик ва кат-



таларга буйсуниш каби тамойиллари инсонларни бирлаштиради, уларга ҳаёт ва мулоқотнинг ахлоқий қоидалари сингдиради, ёшлар ва келажак авлод вакиллари тарбия ва шахсни шаклланиш жараёнларини бошқариб боради.

Маҳалланинг аъзолари қатъий белгиланган ва диний қоидаларга, унинг асосий тамойилларига бўйсунушади, уларни бузиш бўлса, ижтимоий чеклашларга олиб келади. Ушбу қоидалар ва тартибларнинг асосий қисми аёлларга, уларнинг оиладаги ўрни, жамоат жойларида ўзини тутиши, уларнинг турмуш ўртоғи ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли бўлади.

Ҳар бир маҳалла – бу унда бир қанча ижтимоийлашувнинг турларини мажмуавий мавжуд бўлган ижтимоий организмдир. Хусусан, унда оилавий (оилавий ва бола тарбиясининг асосий қоидаларига бўйсунди, муаммоли оилалардаги оналарга кўмаклашади), меҳнатга оида (жамоавий меҳнат фаолиятига уйғунлаштирилади, мутахассислигига, тадбиркорлиги кўра ишга жойлашишга кўмаклашади), профессионал, жамоавий (қўшнилари ва жамиятдаги мулоқот ҳамда яшашнинг умумий-жамоавий қоидалари), алоқа (оила, маҳалла ва меҳнат жамоасида мулоқот олиб боришнинг тартиби ва кўникмалари), спортга оид (турли ёш тоифаларидаги инсонларни спортга жалб қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш), анъанавий-маросимларга оид (байрамлар, миллий урф-одатлар ва анъаналарга амал қилиш ва ўтказиш), бўш вақтни ташкил қилиш ва хордиқ олиш.

Маҳаллаларда миллий педагогиканинг тамойиллари ташкил топган, ривожланмоқда ва такомиллашиб бормоқда. Бу тизимда ҳар доим ўзаро ижтимоий муносабатлар ва жамиятнинг таъсирини ўз ичига қамраб олган шахсий ҳаётнинг тажриба ҳукмрон бўлган. Ушбу жараёнда ижтимоий қоидалар, қадриятлар, тажрибани ўзлаштириб боровчи, халқнинг фарзанд тарбияси ва таълими борасидаги билимларини тўпловчи ва тизимлаштирувчи шахс тарбия қилинади ва ривожлантирилади.

Айнан шу ижтимоий кичик гуруҳ замонавий Ўзбекистон шароитида этика ва фарзанд тарбияси борасидаги оммавий тушунчани шакллантирувчи асосий институт ҳисобаланди.

Болаларнинг таълим олиш жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва баратаф этиш, улар ҳақида хабардор қилишни таъминлаш мақсадида ота-оналар, маҳаллалар ва таълим муассасалари (умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари) ўртасида доимий ўзаро алоқа ўрнатилган.



Ёшларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда уларнинг қизиқишлари инobatга олинмоқда. Ушбу тадбирлардан таълим муассасаларида юқори малакали профессор-педагоглар, иқтидорли талабалар ва намунали оила вакиллари жалб қилиш орқали ташкил қилинган учрашувлар, мунозаралар, суҳбатлар тадбирла самарадорлигини оширган ҳолда, катта натижаларни бермоқда.

Маҳалла йиғини, унинг маслаҳатчилари, ёшларнинг ва мактаб ўқувчиларининг тўгараклари ўртасида ёшлар ўрастида миллий қадриятларга асосланган катта ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, “йирик” муаммолардан бири ёшлар ўртасида компьютер технологиялари, ўйинлар ва виртуаль оламнинг хаддан зиёд кўп ортириб юборилиши хисобланади.

Шубҳасиз, замонавий шароитларда ёш авлод вакиллари тармоқ ресурсларидан узиб қўйишнинг имконияти йўқ (бу нотўғри ҳам), аммо компьютер тармоқларининг салбий ахборот таъсирини зарарсизлантиришнинг батафсил ўйланган йўлини бўлиши керак.

Ҳаётнинг барча жабҳаларидаги янгиланишлар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, Ўзбекистондаги янги жамият шаклланиши, мустақил Ўзбекистонда мамлакатнинг маънавий қайта шаклланиши шароитида музей ишининг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳа халқнинг маънавияти ва маърифатини оширишда, унинг дунёқарабини кенгайтиришда, жамияти тарихи ва ўтмишини билишда, дунё цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги цивилизацияларни билишда катта ва муҳим ўрин эгаллайди. Инсон омили янада катта ўрин тутаётган бир даврда, музейлар халқнинг янада кўпроқ миллий қадриятларга, мамлакатнинг маънавий ва моддий бойликлари уйғунлаштиришда, фуқаролик тарбияси, миллий маънавий ва маданий анъаналарни тарқиб қилишда фаол таъсир кўрсатишини таъминлайди. Музейлар ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнларига ҳам таъсир кўрсатиш имкониятига эгалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618 сонли 1994 йил 23 февралдаги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги № ЎРҚ-177 сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги №975 сонли Қарорида музейлар фаолиятини муҳим мақсадларидан бири сифатида маданий, маърифий ва тарбиявий фаолият санаб ўтилади.



Энг сўнгги воқеалардан бири бўлган 31 май кун и ёшларда Ватанимизнинг тарихига бўлган қизиқиши ва ватанпарварлик хиссининг ошириш, мақсадида “Менинг фикрим” Ўзбекистон жамоавий мурожаатлар порталига йўлланган “Тошкент тарихи музейининг очилиши тўғрисидаги” қўллаб-қувватловчиларнинг тасдиқлашишини сўраб очилган мурожаат йўллангани бўлди. Ушбу ташаббус пойтахтимиз тарихининг кам ёритилган, хусусан барча замонларда қурилган оммалаштиришга муносиб бўлган тарихий обидалар ҳақидаги маълумотларни очиб беришга қаратилган.

Миллий ва чет эл музейларининг ижтимоий-маданий фаолиятини ўрганиш натижасида, замонавий музейлар фаолиятининг асосий йўналиши ва мақсади тарбиявий фаолият ва музей педагогикаси экан деган хулосага келиш мумкин.

Замонавий музейларнинг ижтимоий-маданий фаолиятининг асосий йўналишлари педагогик жараёнинг асосий мақсади бўлган шахснинг ахлоқий позицияси ва ақлий имкониятларини шакллантириш ва ривожлантиришда намоён бўлади. ХХI аср музейи – бу таълим муассасаси ярим вазифаларини амалга ошириувчи, кенг ёйилган алоқалар ва мураккаб ички тузилмага эга ижтимоий институт ҳисобланади, шунингдек, шахсга маданиятни сингдирилишнинг самарали тақшил этиш воситаси бўлиб, унинг замонавий моҳияти маданият ва таълимни ўзаро бирлаштиришдан иборат бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли Фармони
2. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси: Умум-таълим мактаблари. – Ташкент: Ўқитувчи, 1996. –192 с.
3. Очил С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Ташкент: Ўқитувчи, 1995. – 208 б.
4. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. – Тошкент: Мухаррир, 2010й. – 102 с.



ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ИДРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

С.А.МАХМУДОВА,

Низомий номидаги ТДПУ

мустақил изланувчиси

Мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мусиқий идрокини шакллантириш ҳақида сўз боради. Муаллиф ушбу мақолада мусиқий маданият, мусиқий идрок тўғрисида тушунчалар бериб, бир қатор, тавсиялар билан бирга мусиқий идрокни ривожлантиришнинг илмий-педагогик жиҳатларини ёритган.

Таянч сўзлар: мусиқий маданият, мусиқий идрок, мусиқий таълим, миллий тарбия, ижодкорлик, ҳотира, қобилият, мусиқа саводи, педагогик технология.

This article is about intelligence musical development in pupils of secondary schools. The author in this article, explained of the musical culture and musical perception, also outlined the scientific and educational aspects of musical perception

Key words: musical culture, musical perception, musical education, national education, creativity, memory, talent, music, literacy, Pedagogical technology.

Данная статья о развитии музыкального интеллекта у учеников общеобразовательных школ. Автор в этой статье дал разъяснение музыкальной культуры и музыкального восприятия, а также осветил научные и образовательные аспекты музыкального восприятия.

Ключевые слова: музыкальная культура, музыкальное восприятие, музыкальное образование, национальное воспитание, творчество, память, талант, музыка, грамотность, педагогические технологии.

Мусиқани севиш, ундан таъсирланиш учун баъзан тушуниш шарт эмасдир, аммо бунда тингловчи оммавий куй қўшиқлар доирасидан чиқа олмайди, чунки миллий мумтоз мусиқа, миллий чолғу, мақом, академик вокал санъати мусиқасининг юксак наъмуналарини, яъни жиддий деб аталмиш мусиқани тинглаш, севиш, тушуниш учун бадиий савия, яъни мусиқий билим ва малакалар талаб этилади. Мусиқий тай-ёргарлик асарнинг ёрқинроқ, тўлақонли ва чуқур идрок этишга ёрдам беради. Агар бадиий адабиёт сўз билан, тасвирий санъат ранглар ва график чизиқлар, рақс бадиий ҳаракатлар билан ифодаланса, мусиқа



музикий товушларда вужудга келган оҳанг воситасида ифодаланади. Машхур рус композитори Р. М. Шийер “Музиқанинг музмуни ҳаёт таассуротларидир, фикр ва ҳис - туйғуларни оҳанглар орқали ифодаланишидир” – деганида тамомила ҳақ эди. Агар тасвирий санъат ва склуптура асарларини кўриш орқали, бадиий адабиётни ўқиш ва эшитиш орқали, кино ва театрни кўриш ва эшитиш орқали идрок этсак, музиқани фақатгина диққат билан тинглабгина идрок эта оламиз.

Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси А. Навоий ҳам “Музиқани идрок этмаган шоир ним шоирдир” деб баҳолаган. Ҳозирги кунда замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, кундан-кунга кучайиб бормоқда, чунки педагогик технология ва интерактив методлар ўқувчи ёшларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Педагогик технологияларни асосий негизи – бу ўқитувчи ва ўқувчиларни белгиланган мақсаддан – кафолатланган натижага эришишдан иборат. Замонавий педагогик технологияларни назариясини ва амалиётини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш ягона педагогик жамоа олдида турган асосий вазифалардан биридир. Замонавий янги педагогик технология таълим тизими ва мазмунини янгилашда асосий куч эканлигини илмий ва амалий асослаб берилган. Педагогик технологияларни ўзига ҳос хусусиятлари яна шундаки, улар жонқуйарлик, ташаббус ва юксак маданият санъатига асосланади.

Замонавий педагогик жараёнда озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижага эришишга имкон яратилади,

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларидан бири, ўқувчиларни музикий оламга олиб кириш ва уларга юксак маънавий тарбия бериб, музикий маданияти шаклланган шахсни жамиятга тадбиқ этишдан иборат.

Музиқа дарсини замонавий педагогик технология бўйича қизиқарли ва мазмунли ўтказиш учун, музиқа ижодкорлиги, образли тасаввур қилиш, «жонли» ижро қилиш, тарқатма материаллар, карточкалар, музикий чолғу асбоблар ва техник воситалардан (диск, магнит тасмаси, видео тасмаси) қўлланилади, бу ўқувчиларни нутқини ўстиришда музикий қобилиятларини ривожлантиришда, мустақил фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини кенгайтиришда ва музиқага қизиқиш уйғотишга фаол таъсир этади. Масалан, музиқа дарси жараёнида ўқувчиларни



гурухларга бўлиб, замонавий педагогик технология шартлари билан таништиради. Сўнгра белгиланган вақтда бажариш лозимлигини айтиб ўтади. Ўқувчиларни карточкалар тарқатилиб бўлгандан сўнг бирор куйни рубоб ёки фортепианода «жонли» ижро этиб беради, гурухларга олдиларидаги карточкалардан масалан:

I гурухга куйни номини топиш?

II гурухга куйни композиторни аниқлаш?

III гурухга куй мазмунини ёритиш вазифаси берилади.

Ўқувчилар қизиқиш билан куйни тинглаб бўлгандан сўнг вазифаларни бажаришга киришадилар ва берилга топшириқни катта қизиқиш билан бажарадилар. Бунда ўқувчиларни жамоа бўлиб ишлаш, ўз топқирлиги, билимдонлиги ва ўз фикрларини билдира олишлари аниқланади. Бундай трейнерларни бир дарсда икки ёки уч марта ўтказиш мумкин, бу тренинг номи «ақлий хужум» деб аталади. Ўқувчилар ноанъавий дарс ўтказиш давомида олган назарий билимларини янада мустахкамлаб амалда синаб кўриш натижасида атрофдаги воқеъликни ва ходисаларни кузатиб иштирок этадалар. Натижада, жонли мушоҳада орқали ўзлаштирган билимларни ҳақиқий билимларга айланади. Замонавий педагогик технологиялар бўйича мусиқа маданияти дарсларини ўқитиш ёш авлодни ҳаётга тайёрлайди.

Миллий мумтоз мусиқий асарларимизнинг ўрни мусиқий маданиятнинг, ўз – ўзидан мусиқий идрокнинг шаклланиши ва такомиллашишида катта ўрин тутаяди, шунинг учун мактаб ўқувчилари билан дарс жараёнида кўпроқ халқ мусиқасининг оммавий жанрларига кирувчи “Қашқарча”, “Олмача анор”, “Хоразм лазгиси”, “Сарбозча (бухорча)”, “Қари наво”, “Дўлонча”, “Яллама ёрим”, “Чертмак” каби кўплаб асарларни яқканавоз, чолғу дасталари ва оркестр ҳамда хор жамоаси ижросидаги вариантларда тинглайдилар.

Бу асарларни тинглаш, идрок этиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга мусиқий асарни бошидан охиригача диққат билан тинглашини, унинг эмоционал мазмунини ҳис этишни, асарларни оддий таҳлил этишни, ўтилган асарларни жаранглашидан таниб эслашни, асарнинг номи ва композиторларининг номларини билишини ўргатади. Тинглашдан олдин болалар диққатини жамлаш, фаоллаштириш учун ўқитувчи ўқувчилар олдида уларнинг мусиқий тайёргарлиги даражасидан келиб чиқ-



қан ҳолда турли вазифалар қўйиш мумкин ва масалан:

Ҳозир сиз унча катта бўлмаган муסיқий асар тинглайсиз. Сиз бу асарга нима деб ном берган бўлар эдингиз?

Сиз А.Мансуровнинг “Ўзбекистон” асарини тинглайсиз. Муסיқани эшитинг ва ўйлаб кўринг. Нима учун шундай номланди?

Муסיқани диққат билан эшитинг ва айтинг – асарда бир кайфият акс этадими ёки бир неча кайфият берилганми?

Бундай савол, вазифа болаларда муסיқани тинглаш хошишини уйғотади, муסיқий идрокни фаоллаштиради. Болалар асар мазмунини, муסיқий нутқ воситаларининг ифодавийлигини англашга ҳаракат қиладилар. Уларда муסיқа ҳақида фикр юритиш, унга эстетик баҳо бера олиш малакалари шакллана бошлайди. Ўқувчиларда муסיқа тинглаш, муסיқани идрок этиш малакаларини ривожлантириш бир қанча қонуниятларга асосланади:

Биринчидан: ўқувчиларни муסיқани диққат билан тинглашга, муסיқа “оқимини” кузатишга ўргатиш лозим.

Иккинчидан: тинглаш фаол бўлиши учун уни ташкил этиш ва бошқариш талаб этилади.

Учинчидан: муסיқа тинглаш мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим: бунинг учун болаларда муסיқага нисбатан ҳиссий муносабатни шакллантиришда муסיқа дарсида қўлланиладиган асарлар бадиий жиҳатдан етук бўлиши, ёрғин образли, қизиқарли, мазмунан болаларга яқин, уларнинг эҳтиёжларига жавоб бериши лозим, шунингдек берилган материал болалар ёшига мос бўлиши ва пухта ўзлаштирилиши керак. Пухта ўзлаштирилган асаргина болаларда муסיқий дунёқарашни кенгайтиради, уларда бадиий дидни шакллантиради, муסיқа идрокини ривожлантиради.

Оиладаги фарзандларнинг қўшиқ айтиши, миллий халқ чолғу асбобларини ўрганиши ота – оналарнинг орзуси саналган. Шу ният билан ҳар бир хонадонда чолғу асбобларининг сақланиши одат қилинган. Янги туқилган чақалоқнинг йўргакланиши биланоқ болага алла айтилади, алла айтимлари боланинг руҳиятига сингиб, бола аста ақлга кириб боради. Мактабгача таълим муассасида эса илк бор миллий мумтоз муסיқамиз билан танишиб боради, бу эса болаларимизнинг миллий ватанпарварлик руҳида тарбияланишининг асосий омили ҳисобланади, бош-



ланғич таълими ва ўрта, юқори синфларда эса ўқувчиларимиз musiқа-нинг барча йўналишлари билан танишиб бориши, алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу даврда ўқитувчиларимизнинг энг маъсулиятли вазифаларидан бири – ўқувчиларимизнинг миллий, мумтоз musiқамизнинг тафаккуримиз, миллий тарбиямиздаги тутган ўрни ҳақида тасаввуур ва тушунчага эга бўлишлари учун ўқувчиларда миллий мумтоз musiқамизга меҳрини уйғотишлари ва musiқа турларини бир-биридан ажрата билишлари, musiқий маданияти шаклланган, musiқий идроки ривожланган бўлишлари учун педагогларимиз ўз устида изланиб, ўз билимларини амалиётда кўрсатишлари лозим.

Умумтаълим мактабларида musiқий таълим – тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири – ўқувчиларда musiқа санъати воситасида миллий гурурни шакллантириш ва ўстиришга эришишдир. Ушбу жараён musiқа дарсидаги musiқий фаолиятларнинг барча турлари асосида амалга оширилади. Масалан, ҳар бир куй ёки қўшиқни ўрганиш учун уни аввало асарни тўғри танлай билиш, эшитиш, оҳангга ҳамда унинг матнига эътибор бериш, уни ўрганиб таҳлил қилиш, musiқий ривожига қулоқ солиш, musiқага чолғу асбобларида жўр бўлиш, асарга ўз муносабатини билдира олиши муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баймухамедова Н. Алишер Навоӣ о музыке. История и современность. Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана. М.: Музыка. 1972.
2. Р.Турсунов.Халқ musiқа ижодиёти ва адабиёти Тошкент 2003.
3. Муаллифлар гуруҳи. «Ўзбекистон санъати». Т., «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорликкомпанияси бош таҳририяти. 2001.
4. Шарипова. Г. Musiқа ўқитиш методикаси (ўқув қўлланма). Т. 2008.
5. Нурматов. Х, Норхўжаев. Н. Умумий ўрта таълим мактабларининг 2- синфи учун дарслик. (қайта ишланган 11 - нашри).
6. А.Жабборов, А. Бойқўзиев. Ўзбекнаво: устозлар, юлдузлар, шоғирдлар. Т., «Чўлпон»нашриёти, 2000.



ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ КАСБИЙ-МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИгини ОРТТИРИШДА ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ ДИДАКТИК МОДЕЛИ

М.УСМОНОВА,

*Қўқон ДПИ “Биология ўқитиш методикаси”
кафедраси ўқитувчиси*

Ўқув-тарбия жараёнини маълум методика бўйича муваффақиятли амалга ошириш учун мазкур методиканинг илмий асосланган модели мавжуд бўлиши зарур бўлиб, у туфайли ўқув жараёнининг турли аспекти ва элементларини уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига тобелигида тавсифлаш ва таҳлил қилиш, ўқитиш самарадорлигини башоратлаш, методикани модернизациялашнинг энг оптимал йўлларини ва самаралироқ фойдаланиш имкониятларини аниклаш мумкин.





Юқорида айтилган фикрларга асосланиб, анъанавий ўқитиш воситалари ва янги ахборот технологияларини мажмуавий қўллаш методикасининг модели (2-расм) ишлаб чиқилди, унда методологик ёндошувлар ва тамойиллар, мақсад, мазмун, лойиҳалаш ва натижа компонентлари биологияни ўқитиш воситалари тизими, воситаларни қўллаш шакллари ва методлари аниқланган.

Мақсадлар ва вазифаларни аниқлаш, шубҳасиз, ҳар қандай ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятида, шу жумладан, ўқув-тарбия жараёнини ва ўқитиш методикасини моделлаштиришда биринчи қадам бўлади. Биз яратган методиканинг мақсад компоненти ўзаро боғланган қуйидаги мақсадлар мажмуидир:

- биологик тушунчаларни ривожлантириш;
- мустақил ишлаш ўқув ва малакаларининг эгалланганлиги;
- электрон воситалар ресурси билан ишлаш компетенцияларини таркиб топтириш.

Кўпчилик ўқув фанларининг ўқитиш методикасининг энг муҳим мақсади, шубҳасиз, фанга оид ўзаро боғланган билимлар, малакалар, қадриятли ориентациялар ва шунингдек, фанлараро ва фан ичидаги ўзаро боғланишларни шакллантиришдан иборат.

Ўқув тарбия жараёнида талабаларнинг мустақиллигини ва ўқишга фаол муносабатларини шакллантириш ўзига хос ўрин тутати, чунки олий таълимни модернизациялаш ва жамиятда таълимга муносабатнинг ўзгариши шароитларида бу алоҳида аҳамият касб этади. Дарсларда, дарсдан ташқари ва уй ишида биологик материал ва компьютер билан ишлашнинг дидактик ва методик аниқ мўлжалланган уйғунлашуви, мустақил ишлаш малакаларининг яна ҳам самаралироқ ривожланишига ёрдам беради, бу мақсад ана шу муносабат билан таърифланган. Тавсифланаётган методиканинг биологик таълим учун яратиб берадиган кенг имкониятларини ҳам қайд этиш зарур. Бу талабага шахсий компьютер яратиб берадиган қуйидаги кенг имкониятларга асосланган: интернет тармоғида ахборот излаш, электрон дарсликлар, ўргатувчи дастурлар, маълумотлар базалари билан ишлаш, масофадан ўқитиш (тадқиқотимиз доирасида муҳокама қилинмайдиган) ва бошқа кўплаб имкониятлар.

Мазкур методика доирасида юқорида санаб ўтилган имкониятлар-



дан ташқари анъанавий воситалар ёрдамида ўқитиш тақдим этадиган маълум барча имкониятлар ҳам сақланиб қолади.

Учинчи мақсад – бу компьютер билан ишлаш ўқувини ва малакаларини ривожлантиришдан иборат. Ўқитишда ШК қўлланиладиган ҳолатларда бир қатор дастурлар билан ишлашга тўғри келади.

Ўргатувчи ва электрон дарсликлардан ташқари, матнли операция тизимлар, график ва HTML-муҳаррирлар, мультимедиа-проигрывательлар ва бошқалар ҳам ишга туширилиши мумкин.

Олий таълимда биологияни ўқитиш воситаларининг хилма-хил бўлиши – бу фанни самарали ўқитишнинг муҳим шартидир. Бу эса ўзига хос дидактик хусусиятларига эга бўлиб, хилма хил ахборот оқимларини – турли сенсорли каналлар бўйлаб, турли тезлик, турли йўналишда ўрганилаётган объект ёки ҳодисани турли аспектларини ифодалаб, мавжуд бўлиши учун шароитлар яратади. Ўқитиш воситаларини мажмуавий қўллашнинг муҳим элементи, шунингдек, ўқув фанини билишга қизиқишнинг кучайишидан иборат бўлади.

